




ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛЮЗИЯДАН РЎИНОЛИК ТОМОН

<<< 1

ЭШИК ҚАЙ ТОМОНГА ОЧИЛАДИ?

Агар давлат идорасининг эшиги фақат ич-карига, яъни амалдор хузурига қараб очилса, останада кутадиган киши албатта фуқаро бўлади. У аризасини қўлтиқлаб, «Қачон қабул қилар экан?» деб сарғаяди. Бор ҳақиқатни исботлаш учун бир хонадан иккинчи хонага ўтади. Баъзан ўз ҳақини ундиришни марҳамат сўраш билан адаштириб ҳам қўяди.

Агар эшик халқ томонга ҳам очилса-чи? Бундай ҳолатда қанчалик катта ўзгаришлар юз бериши мумкинлигига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Президент Шавкат Мирзиёев давлатчилик тафаккурига киритган энг улкан бурилишлардан бири оддий, аммо инқилобий жумла билан шундай ифодаланди: «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак».

Бу жумланинг ичида бутун бир бошқарув фалсафаси мукжассам. Яъни мансаб амалдорга берилган имтиёз эмас, балки халққа хизмат қилиш мажбуриятидир.

Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва жойлардаги Халқ қабулхоналари ана шу фалсафанинг дастлабки амалий ифодаси бўлди. Халқ гапирishi мумкинлигини, амалдорлар эса эшитishi шартлигини англади.

Халқаро валюта жағмармасининг ўша пайтдаги раҳбари Кристин Лагард 2019 йили Тошкентда Президентнинг онлайн қабулхонасига икки миллиондан зиёд савол келганини тилга олиб, рақамли воситалар давлатга ишончни тиклашга хизмат қилаётганини айтганди. У Ўзбекистон ўз йўлида анча илгарилаб бораётганини, келажакда сайёҳлар бу юртни фақат тарихи билан эмас, жўшқин, тинч ва фаровон истиқболи билан ҳам эслашини таъкидлаган эди.

Албатта, тизим ўзгармаса, шикоятлар тўхтамайди. Янги бошқарув услуби раҳбарларни кабинетдан маҳаллага, хонадонга, қорхона ва мактабларга олиб кирди. Давлат раҳбарининг ҳудудларга қилин сафарларида катта лойиҳалар билан танишиш билан бирга кўча, ичимлик сув, иссиқлик, иш ўрни, шифохона ва мактаб масалаларини алоҳида сўраши бежиз эмас. У макрокитисодий натижани инсон тақдирда кўради.

Шавкат Мирзиёевнинг назарида катта рақамлар кичик дардини сойда қолдирмаслиги керак. У миллиард долларлик инвестиция ҳақида гапиря туриб, унинг нечта оилага даромад келтиришини сўрайди. Янги заводда маҳаллий ёшлар ишляятини, деб қизқикади. Мактаб ўқувчиси нимани ўрганаётганини сурштиради. Раҳбар ҳисоботини эшитгач, «Одамлар сендан розими?» деган саволни беради. Чунки ислохотларнинг сўнгги манзили ҳисобот эмас, инсон!

Шу боис у: «Инсон қадри биш учун қандайдир маъвум, баландпарвоз тушунча эмас», дея алоҳида таъкидлайди.

Янги тарихидаги Конституцияда Ўзбекистоннинг «ижтимоий давлат» деб белгиланиши эзгу гоъларни ҳуқуқий мажбуриятга айлантирди. Аслида, ижтимоий давлат эҳсон таркатадиган давлат эмас. У инсоннинг оғир вазиятдан чиқиши учун тизим яратадиган, нигиронлиги бўлган шахсни жамиятдан четда қолдирмайдиган, етим болани шунчаки тақдир ҳукмига ташламайдиган, ёлғизларни, қарияларни унутмайдиган давлатдир.

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг барча ҳудудларда очилиши ва маҳалла­ларда юздан ортиқ хизмат турларининг йўлга қўйилиши натижасида кўп нараса ойдинлашди. 2024 йил охирига келиб, илгари рўйхатга ҳам киритилмаган 95 минг нафар эхтиёжманд аниқланиб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатилди. 95000. Бу ракам ортида қанчадан-қанча қора кўзалар бор? «Мени ҳам кимдир йўқлармикан» дея кутаётган кексалар, нигирон фарзандини ёлғиз парваришлайётган оналар, сарсонликдан чарчаган қанча оилалар бор?

Давлатнинг улуғлиги саройининг баландлиги билан эмас, энг заиф фуқаросига қанчалик эгилиб бора олиши билан ўлчанади.

Бир вақтлар ўқувчи, талаба, ўқитувчи, шифокор ва бошқаларнинг мажбуран пахта тери­мига чиқарилиши одатий ҳол эди. Холис тан олайлик, Президентнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли бунга барҳам берилди.

2022 йили Халқаро меҳнат ташқилоти Ўзбекистонда пахта етиштиришда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилганини расман тасдиқлади. Ташкилот бош ди­ректори Гай Райдер бу ҳақда баёнот берди.

Амалий сайё-ҳаракатлар ва ислохотлар натижасида қарийб икки миллион нафар бола болалар меҳнатидан, ярим миллион­дан ортиқ катта ёшдаги кишилар мажбурий меҳнатдан озод этилди. Бу шунчаки меҳнат бозоридаги кўрсаткич эмас. Бу – қадди бу­килган инсоннинг қаддини тиклаш, пахта толасига сингиб кетган мажбуриятдан ор-номусни устун қўйиш, «иктисодимиз инсон эрки ҳисобига ўсмаслиги керак», деб баралла айтиш эди.

Биз меҳнат ҳуқуқларидаги барча муаммо­лар тўлиқ бартараф этилди, деган давводан йироққимиз. Норасмий бандлик, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шaroити, ходимнинг ўз ҳақини талаб қилиш маданияти борасида ечи­мини кутаётган масалалар бор, албатта.

Аммо тизимли мажбурий меҳнатнинг ту­гати­лиши чинакам тарихий натижадир.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

Агар иқтисодий ўс­ниш дастурхондаги нонга, оил­да­да­ги даромадга, ёшларнинг ишига, кексаларнинг малҳамига айланмаса, у фақат чиройли диаграмма бўлиб қолаве­ради. Шунинг учун Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатини баҳолашда иккита нарсани баробар кўриш лозим: катта макро­иктисодий силжиш ва унинг инсон ҳаётида акс этаётган натижаси.

2017 йилдан бошланган валюта бозорини эркинлаштириш, солиқ тизимини янгилаш, ташқи савдо тўсиқларини камайтириш, хусу­сий тадбиркорликка кенг майдон очишга оид қарорлар Президент томонидан осонликча қабул қилинган эмас. Ёпиқ тизимда нархлар ўсмайдигандек кўринади. Аммо бу тизим очилганда муаммолар юзга чиқади. Начора, ҳар қандай эзгу ислохотнинг илк шабадаси баъзан чанг билан ҳам кириши мумкин. Аммо бундан чўчиш ярамайди.

Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий жа­сoрати шундаки, у қисқа муддатли безовта­лик муҳитига бўй бермай, узоқ муддатли та­раққиёт эшигини очди. Миллий валютанинг эркин айирбошланиши тадбиркорга ҳам, хо­рижий сармоядорга ҳам ҳисоб-китоб имко­нини берди. Бозорга инвестициялар киритиш­нинг бундан бошқа йўли ҳам йўқ. Божхона, со­лик, лицензия жараёнларининг қисқариши натижасида кенг имкониятлар яратилди.

Ҳа, Янги Ўзбекистон ўзини дунё бозоридан ҳимоя қилишни эмас, глобал бозордаги рақoбатта тайёрлаш йўлини танлади. Халқаро ҳам­жа­мият ҳам бу ҳаракатни эътироф этмоқда. Жа­хон банки 2017-2025 йилларда Ўзбекистонда­ги реал иқтисодий ўсиш ўртача 6 фоизни ташкил эт­ганини, мамлакат дунёдаги етакчи ислохотчилар қаторига кирганини қайд этди. Халқаро валюта жағмармасининг 2026 йилги ҳисоботи­га кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2025 йили 7,7 фоиз ўсган. Йил бошидан Ўзбекистон иқтисо­диёти 8,5 фоизга, саноат 8 фоиз, хизматлар 16,9 фоиз, қурилиш 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4,7 фоизга ўсиб, инвестиция 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етган. Ишсиз­лик 4,6 фоизга, камбағаллик эса 2025 йил яку­нига кўра, 5,8 фоизга қамайган.

Очиғи, камбағаллиқни очик тан олишнинг ўзи ҳам катта сиёсий жасорат эди. Муаммо­нинг номи айтимаса, унга аниқ ечим топи­лма­йди. Президент камбағаллиқни инсоннинг айби сифатида эмас, давлат ва жамият ҳал қи­лиш шарт бўлган муаммо сифатида кўрди. Маҳаллабай ишлаш, қасбга ўқитиш, микромо­лия, оилавий тадбиркорлик ва ижтимоий ре­естр каби механизмлар ана шу қарашдан сўнг кун тартибига чиқди.

МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРГАН СИЁСАТ

Ислохотларнинг ҳақиқий натижаси пой­тахтдаги анжуманлар залида эмас, маҳалла­ларда кўринади. Қабул қилинадиган қарор­лар матни ҳар қанча мукаммал бўлмасин, агар у чекка қишлоқдаги аёлнинг оғирини енгил қилмаса, ишсиз йигитга қасб ва имконият бер­маса, беморнинг навбатини қисқартирмаса, бу мукаммал матндан кимга нима наф?

Янги Ўзбекистонда «маҳаллабай», «хона­донбай» ишлаш деган ибораларнинг пайдо бў­ли­ши бежиз эмас. Бу умумий ҳисоботдан кўра, аниқ натижаларга қараб ҳаракатланиш дегани. «Худудда фалон фоиз ўсиш бўлди» деган маъ­лу­мотдан сўнг «Унда даромад нега ошмади?» де­ган саволни бериш демакдир.

Ислохотни маҳаллага туширишга қарати­лган тизим давлатни халққа яқинлаштириш истагидан тузилган. Эндиликда эхтиёжманд фуқаро идорама-идора юрмайди – тизимнинг ўзи унинг олдига боради.

Назаримизда, маҳалла билан боғлиқ ис­лохотлар замирида шундай эзгу ният бор: ин­сон қадри пойтахтдан ва катта минбарлардан айтиладиган баландпарвоз гап эмас, у қўшни ҳовлидан ҳам яққол кўриниш туриши керак бўлган ҳақиқатдир.

ОЧИҚЛИК ШАМОЛИ

Очилган деразадан тоза ҳаво билан бирга шовқин ҳам киради. Ана шунда кимдир «Де­разани ёпинг», дейди. Кимдир эса биринчи марта хонага тоза ҳаво кирганини англайди.

Очиқлик ҳам шундай. Янги Ўзбекистонда илгари қу­затилмаган яна бир ҳолат қу­зати­лди. Яъни одамлар гапир­а бошлади. Ижтимоий тармоқларда йўл, газ, электр, мактаб, суд, ҳоким қарори, бозорда­ги нарх-наволар муҳокама қилинмоқда. Муам­мо­лар баралла айтилмоқда. Журналистлар тор­тинмасдан ҳужжат сўрамоқда, блогерлар эса ҳеч кимни юз-хотир қилмасдан саволга тут­моқда.

Албатта, бу жараёнда шовқин-сурон ҳам бор. Текширилмаган ҳа­бар, шаъ­нга тегиш, оло­мон кайфияти, бир томонлама ҳукм каби ҳо­латлар ҳам учрайди. Лекин улардан чўчиб, де­разани қайта ёпин – тўғри йўл эмас.

Бунга қарши энг яхши малҳам ахборот маданиятини ўзлаштириш, те­зор­вар ва рост расмий муносабатни йўлга қўйиш, мустақил журналистикани қўллаб-қувватлаш, очиқ маъ­лу­мот ва қонуний жавобгарлиқни таъминлаш­дир.

Ахборот майдони бўш ётмайди. Давлат ўз ва­ти­да маълу­мот бермаса, ўша бўшлиқни миш-мишлар тўлдир­ади. Раҳбар танқидга жа­воб бермаса, унинг сукути бепарволик деб ту­шу­нилади. Муаммони яширишга сарфланган куч уни ҳал қилишга сарфланса, ишонч янада ор­ти­ди.

Адолат билан эътироф этганда, Шавкат Мирзиёевнинг очикчиликга доир сиёсий иро­даси давлатнинг мулоқот тилини ҳам ўзгар­тир­ди. Расмий нутқларда одамнинг дарди, раҳбарнинг масъулият ва ижродаги камчи­ликлар очикроқ айтила бошланди. Йиғилиш­ларда «ҳаммаси яхши» деган силлиқ ҳисобот эмас, не­га натижа йўқлиги сўралмоқда.

Бизга Янги Ўзбекистон раҳбари уқтираёт­ган ҳикмат шу: очиклик юқоридан берилган руҳсатга боғлиқ бўлмаслиги, қонун билан ҳи­мо­яланган барқарор институтга айланиши зарур. Журналист эркинлиги раҳбарнинг кайфиятига, фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи эса қайси­дир идоранинг хоҳишига қараб ўз­гармаслиги лозим. Танқидга таҳдид билан эмас, далил билан, ҳато хабар ва бирёқлама таққина цenzура билан эмас, ишончли ах­бо­рот билан жавоб бериш керак.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Амир Темур

ДЕРАЗАДА МИЛТИРАГАН ЧИРОҚ

Атроф қоронғи. Кўчада одам бўлмаган қиш­лоқда деразасидан чирок шуъласи тушиб тур­ган узоқдаги уйни кўрганмисиз?

Ўша нур ичида эртанги кун бор. Ўша де­разадан мўралаган киши дафтaр устига эгилган болани, дарс режасини қайта кўраётган ўқи­тувчини, фарзандини кутаётган онани, ҳали кашф этилмаган олимни, ҳали ёзилмаган китoб муаллифини, ҳали қурилмаган кўприк муҳандисини кўриши мумкин...

Меҳнат фаолиятини таълим соҳасида бош­лаган Шавкат Мирзиёев таълимни тараққиёт­нинг бош ўзаги сифатида кўрди. Бу борадаги ислохотлари билан мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган узлуксиз занжирни янгилади. Президент 2025 йил сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташқилоти минбарида туриб, мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етганини маълум қилди.

Бу рақамлар ортида ботгача бориб, тенгдош­лари билан сўзлашишни, чизишни, санашни ўрганган миллионлар болалар тақдир­и бор. «Ўқинишга кириш насиб этармикан?» дея ўз қўйиллар санокли эшиклар олдида турган ёшлар учун очилган университетлар, институтлар, филиаллар бор.

Албатта, қамров сифатнинг синоним­и эмас. Аудитория кўпайishi билан бирга, би­лимдон профессор, замонавий лаборатория, академик ҳалоллик, мустақил фикр, китобхон­лик ва меҳнат бозорига мос малака ҳам керак. Дипломлилар кўпайиб, билимдонлар қамайса, яна бир иллюзияга дуч келиш ҳеч гап эмас. Бир­қоқ бундай сифатни талаб қилиш учун аввал эшикларни очиш зарур. Бугун ўша эшиклар ланг очик.

Энди унинг остонасидан билимли, мус­тақил фикрлайдиган, Ватанга дахлдорлиқни ҳис қиладиган авлодлар кириши шарт. Бунинг учун педагог мақомини кўтариш, иш ҳақи ва малака тизимини яхшилаш, уни бегона юмуш­лардан ҳимоя қилиш фақат қасбий масала эмас, миллий хавфсизлик масаласи ҳамдир.

Учинчи Ренессанс ёғси омондан тушган гўзал ибора эмас. Унинг ердаги манзили ботча, мактаб, кутубхона, лаборатория ва устоздир. Беруний меросидан фахрланиб, физика хо­на­сини жиҳозламасак, фахримиз ҳам хоти­ра­га айланади. Хоразмий билан мақтаниб, ке­ла­жак алгоритмик фикрлашни ўргатмасак, бо­ла­ларни қўра олмаймиз. Имом Бухорийни угуллаб, манбалар билан ишлаш маданиятини шакллантирмасак, муҳаддис бобомизга муно­сиб бўла олмаймиз.

Аслида, аждоқларга муҳаббат ва ҳур­мат – уларнинг номини ёлдаб олиш дегани эмас, уларнинг тафаккур борасидаги жасоратини да­вом эттириш демакдир.

«Жаҳолатга қарши маърифат» гоъси Ислom маърифатининг инсонпарвар моҳиятини би­лим асосида англаш, ёшларни ёт гоълардан тақ­иқ билан эмас, тафаккур билан асрашни англа­тади. Президент ташаббуслари моҳия­ти­да ана шу ҳақиқат мукжассам.

Жоҳил деганда кўпчилик саводсиз ода­мини кўз олдига келтиради. Аммо бу қараш нотўғри. Чунки бугунги жоҳил ўқиш-ёзишни биладиган, қўлида энг замонавий телефон тутган киши ҳам бўлиши мумкин. У бир дақиқда ёл­гон хабар тарқатади, муқаддас тушунча­ларни ўз манфаъати учун нотўғри талқин қи­лади. Шунинг учун «Жаҳолатга қарши маъри­фат» гоъси диний экстремизмга қарши кам­па­ниядан кўра анча кенг­роқ тушунча. У инсонни манипуляциядан, мутаассибликдан, ёлғондан, ахборот хуружидан ва нафратдан асрайдиган маънавий иммунитетдир. Шавкат Мирзиёев бу гоъни давлат сиёсатининг доимий тамойи­лига айлантириб, Имом Бухорий, Имом Моту­ридий, Бурхониддин Марғинионий каби алло­ма­лар меросини чуқур ўрганишни замонавий таълим ва амалиёт билан боғлади. Чунки улар­нинг илмий мероси бугунги саволларга ҳам жа­воб бера олади.

Ўзбекистонда Ислom цивилизацияси мар­кази ташкил этилди. Унинг асосий гоъси – аждоқларимизнинг жаҳон тамаддунига қўш­ган ҳиссасини илмий асосда ўрганиш ва тар­ғиб этиш, жаҳолатга қарши маърифат билан жа­воб қайтаришдир.

Давлатимиз раҳбари мазкур марказ очила­ётганда «Илим ва илм, таълим ва ана бир бор таълим» деган даъватни илгари сурди. Бу хи­тобдан англашиладики, тарихимиз буюк, деб хитиржам бўлманг, унга муносиб бўлиш учун ўқинг, изланинг, яратинг!

Шавкат Мирзиёев феноменининг яна бир жиҳати шуки, у маънавиятни иқтисодга рақиб деб билмайди. Йўл қуриш ҳам, китоб ўқитиш ҳам тараққиёт. Завод очиш ҳам, ёшларни ёт гоълардан асраш ҳам ине­стиция. Фақат бири бугунги даромад­ни, иккинчиси эртанги кун тартибини белгилаб беради.

ҚАДР ТОПАН ҚАДАМЖОЛАР ВА ИНСОНЛАР

Сиз Президент ташаббуси билан янги қу­рилган ёки обод этилган бирор-бир қадамжoga борганимисиз? Мен кўп бордим, бундай жой­ларга.

У ерларга шунчаки томоша учун бори­лам­ди. Негаки, остана­дан ҳат­талаганда, ўзидан неча аср аввал яшаган аждоқнинг хузурига келгандай бўлади киши. Дуога очилган қаф­лар орасида кеча билан бугун, хотира билан умид туташади. Шу маънода зиёратгоҳларга эътибор қаратиб, уларни обод қилиш миллат хотирасининг узилган ришталарини қайта боғлашдир.

Туркистон шахридаги Ўзбекистон томо­нидан барпо этилган «Миромон ота» жоме масжиди бунёдкорлик ишлари давлат чегара­сидан ошиб, қардошлиқ тимсолига айлангани­дан дарак беради.

Имом Термизий, Сузук ота, Султoн Увайс Қарарий, Абул Муин Насайий, Имом Бухорий, Махдуми Аъзам, Бахоуддин Нақшбанд ва Бурхo-

ниддин Марғинoий зиёратгоҳлари, Бухоро­да­ги «Етти пир», Дево­набой жоме масжиди, Ислom цивилизацияси маркази, айни пайтда ободонлаштирилаётган Самарқанднинг қўхна Чокардиза қабристонидаги Имом Мотуридий ва Бурхониддин Марғинoий мақбаралари – уларнинг ҳар бири алоҳида манзил, аммо бар­часини ягона маънавий ришталар боғлаб ту­ради. Бу рўйхат оддий гео­ра­фик санoқ эмас. Ҳар бир ном ор­тида илм йўлида ўтган умр, халқ хоти­раси ва тирик ибрат бор.

Бу масканлардаги бунёдкорлик фақат мақ­ба­ра ёки масжидни тиклаш билан чекланма­япти. Равон йўл, кутубхона, музей, ахборот мар­кази, зиёратчи учун зарур шарoит, хунар­манд учун савдо майдони, маҳаллий ёшлар учун иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Обод қа­дамжo атрофидаги маҳалла ҳам ўзгаради.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан диний-маърифий соҳада кўп­лаб илмий ва таълим муассасалари ташкил этилди. Ўз­бе­кистон халқаро исломшунослик академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мак­та­би, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Бахоуддин Нақшбанд номидаги илмий-тадқиқот мар­казлари диний билимни тасодифий манба ёки тариботчидан эмас, ишончли манба ва малакали устоздан ўрганиш имконини кенгайтирди.

Президент қўллаб-қувватлаётган реабил­итация жараёни хавфсизлик, адолат ва инсон қад­рини бир нуктада би­рлаштирадиган оқи­лона сиёсатдир. Бир пайтлар ёт юртдаги уруш олови ичида қолган аёллар ва болалар тақ­дир... Улар ҳақида «Ўзлари кетган», «Ўзлари жа­воб берсин» дейиш ҳам мумкин эди. Лекин Ва­тан ана ка­бидир, яъни фарзанди адашса, ундан юз ўтирмайди. Уни ҳалокатдан олиб чиқади, бағрига босади, сўнг янги ҳаёт бош­ла­шига ёрдам беради.

Жаҳонга дoston бўлган «Меҳр» инсонпар­варлик операцияларининг моҳияти ҳам шунда. Яқин Шарқ ва Афғонистондаги жо­жорли ҳудудлардан беш юз ўттиздан зиёд юртдо­шимиз, асосан, аёллар ва болалар Ватанга қай­тарилиди. Уларга тиббий, психологик ва иж­тимоий ёрдам кўрсатилди, таълим, уй-жой ва бандлик масалаларида кўмак берилди. Бу опе­рацияларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки кўп дав­латлар хавф манбаи деб қараган тақдирларга Ўзбекистон, энг аввало, инсон деб қаради.

Обод қилинган қадамжo билан Ватанга қайтарилган бола ўртасида қандай боғлиқлик бор? Жуда теран боғлиқлик бор. Биринчисида миллатнинг тарихий хоти­раси қадр топади. Иккинчисида адашган ёки жабр кўрган инсон­нинг келажакга асраб қолинади. Бирни аж­до­д­ни унутмаслик бўлса, иккинчиси авлоддан воз кечмасликдир. Икковининг марказида ҳам ин­сон қадри ва меҳр туради.

ЧЕГАРАЛАРДАН ЎТГАН СОҒИНЧ

Чегарадаги тўсиқ очилганда ундан фақат машиналарн ўтмайди. Соғинчлар ўтади. Бир-бирига яқин қишлоқларда яшаб, йиллар давомида узоқ йўл айланиб юрган қариндош­лар ўтади. Савдогарларнинг моли, талабалар­нинг орзуси, санъаткорларнинг қўшиги, олим­ларнинг гоълари ўтади. Энг муҳими, замирида эзгулик го бўлган саломлар ўтади.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг кўзга қўринган натижаларидан бири Мар­кази Осиёда кўшничилик муҳитининг ўзгари­шидир. Бу, шубҳасиз, улкан ютуқ.

Кўшничилик оддий географик қис­мат эмас. Тақдирин харитадаги чизик билан аж­ра­ти бўлмайди, ахир. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунари­данок муқаддас дўстлик чоки узилган қўшни­лар билан совуқлиқни батамом эритиш, му­носабатларни юксак даражага олиб чиқишни устувор вазифа, деб белгиллади. Айнан шундай оқилона сиёсат туфайли Марказий Осиё раҳ­барларининг Маслаҳат учрашувлари изчил тус олди. Натижада минтақанинг ўз овози ва сўзи пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Прези­дент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий та­факкури «ютуқ фақат меники бўлсин» деган тор қарашдан жуда узоқ. У тараққиёт қўшни­ларсиз тўқис бўлмаслигини яхши тушунади ва бу улкан фазилат. Зеро, узоқни кўра билган раҳбарнинг мақсади фақат ўз юртини юксал­тириш эмас, атрофида ҳам тараққиёт ва ҳам-жиҳатлик муҳитини яратишдир.

Эҳтимол, давлат раҳбарининг ана шу мин­тақавий қараши сабаб бугун дунё бизга чиндан бошқача қарай бошлагандир?

Эҳтимол, шундай қарашлар Франция Пре­зиденти Эммануэль Макронни Янги Ўзбеки­стондаги «ортга қайтмас ислохотлар»ни тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилишга унда­гандир.

Марказий Осиёни узоқ йиллар тадқиқ қилган С. Фредерик Старр ва Сванте Корнелл «Uzbekistan's New Face» (Ўзбекистоннинг янги қиёфаси) китобида Шавкат Мирзиёев «нафас ростлашга қўймайдиган ислохотлар»ни бош­ла­ганини ёзиб, дастлабки ижобий натижа­ларни жамиятдаги жўшқинлик ва минтақавий ҳамкорликда кўрганини таъкидлаб ўтган.

Туркий дунё адабиётининг таниқли ва­кили, ёзувчи Султoн Раев 2025 йили Ўзбеки­стонда миллий қадриятларга таянган демократ­ик ислохотлар «Одамлар ҳаётини­гина эмас, онгини ҳам ўзгартираётгани»ни таъкидлаган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк 2023 йил Тошкентта таширифдан сўнг «Ўзбекистонни ўзгартириш йўлида кўп ишлар қилин­ди», деган эди.

Холис эътироф ана шундай бўлади.

ФЕНОМЕН НИМАДА?

«Феномен» сўзи мўъжиза маъносида ҳам ту­шу­нилади. Гўё бир инсон келади-ю, барча му­ам­мони бир ишора билан ҳал қилади. Аммо давлат бошқарувида мўъжиза бўлмайди. Меҳнат бўлади. Ирода бўлади. Хато­лар ва туза-

тишлар бўлади. Қаршилик ва сабр бўлади. Энг муҳими, одамларни ҳаракатга келтирадиган ишонч бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ЯНГИ ТАМАДДУН
МАРКАЗИГА
АЙЛАНАДИ



Шавкат АЮПОВ,
Фанлар академияси
президенти,
Ўзбекистон
Қаҳрамони:

– Элни маърифатга етаклаш борасида Президентимиз барчамизга ибрат бўлмоқда. Хусусан, давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кезлариданоқ Шавкат Миромонович илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий ўқув юртларининг молиявий таъминотини яхшилаш, моддий-техник базасини янгилашга катта эътибор қаратдилар. Чунки ўша дамда ойлик маошлари пастлигидан олимларнинг бир қисми хорижга кетиб қолганди, қолганлари ҳам илмни ёки юртни тарк этиш кайфиятида эди. Бугун чет элдаги олий ўқув даргохларида ишлаётган ватандошларимиз Ватанимизга қайтишмоқда. Қолаверса, Президент ва ихтисослашган мактаблар фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида таълим сифати кескин ортди.

Ўқитиш ишתיки юқори бўлганларни рағбатлантириш борасида ҳам хавас қилгудек ишларга қўл уриляпти. Математика, физика, информатика, биология фанлари бўйича ўтказилаётган халқаро олимпиадаларда олтин медални қўлга киритган ўқувчиларга 1 миллиард сўмдан ортиқ пул мукофотлари берилаётир. Уларнинг устозлари ҳам арзирли тақдирланмоқда.

Бугун мамлакатимизда қулай илмий муҳит пайдо бўляптики, Ўзбекистон яна янги тамаддун марказига айланиши шубҳасиз. Шу маънода, кутубхоналар қуриб, биз олимлар учун издошлар тайёрлашга хисса қўшаётганларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Зотан кутубхона даромад оладиган жой эмас. Бундай хайрли ишни юрт тараққиётини чин дилдан истайдиганлар, миллат учун астойдил қайғурадиганлар амалга оширади.

КУТУБХОНАДАН
ЯХШИ ЖОЙ ЙЎҚ



Хуршид
ДУСТМУХАММАД,
филология фанлари
доктори, ёзувчи,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими:

– Зомин аҳлини бебаҳо кутубхонага эга бўлганликлари билан табриклайман. Ёшларга ҳавасим келяпти. Бизнинг пайтимизда бундай масканни орзу ҳам қилиб бўлмасди. 5-6-синфдалигимда китоб, кутубхона кидириб, сарсон бўлганларимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Бирорта бадийи асар қўлимизга тушиб қолса, бошимиз осмонга етарди. Инсон қаерда яшашидан қатъи назар унинг учун кутубхонадан яхши жой йўқ.

Ёшларга айтишим: китобни севиб ўқингизлар, китобхонлик кўрик-танловларида голиб бўлингизлар!

Китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди.
Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади.
Шавкат МИРЗИЁЕВ



Бугунги шиддатли даврда инсон онгининг маълумотга бўлган эҳтиёжини, асосан, ижтимоий тармоқлар қондирмоқда. Ҳатто мураккаб таҳлил ва фикрлаш жараёнларини ҳам сунъий интеллектга топшириб қўяётганимиз бор гап. Оқибатда бу ҳолат кўпчилигимизни муталаа маданиятидан ва бадий адабиёт оламинан бироқ узоклаштираётгани ҳам аччиқ ҳақиқатдир.

Хўш, нахотки энди бадий асарлардаги эзгу гоёлар таъсирида улкан жасоратлар амалга оширилмасе? Буюк ижодкорларнинг асарларидаги қаҳрамонлардан куч ва руҳ олмайдиган жамият шаклланаётган бўлса? Асло йўқ.

Чин муталаа завқини туядиган, бадийат дунёсида яшайдиган инсонлар ҳар бир авлодда топилади. Жамиятимизда асрлар давомида шаклланган китобхонлик қадриятлари ҳеч қачон барҳам топмайди. Чунки ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган эзгу ислохотлар бошида давлатимиз раҳбарининг ўзи турибди.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш ва китоб нашр этишни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий асослар миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиш имкониятларини

кенгайтириб, муталаага меҳр қўйганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг яхлит тизимини яратди.

Шу ўринда яқинда ижтимоий тармоқларда билдирилган «Китоб ўқишни моддий манфаатдорлик билан боғламаслик керак», деган қарашларга тўхталиш ўринли. Зеро, рағбатлантиришдан муддао – болани муталаага жалб этиш, адабиётга яқинлаштириш. Китобга бир бор қўнгил қўйган инсон эса бадийат оламини ҳеч қачон тарк этмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бу каби хайрли ташаббуслар жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Шахсий кутубхонасини эл хизматида топшираётган китобсеварлар ва зиё масканларига юзлаб китоблар тўхфа қилаётган саховатпеша юртдошларимиз ҳақидаги хабарлар фикримизнинг ёрқин исботидир.

Таъкидлаш жоизки, шундай лойиҳаларнинг энг йириги ва эътиборга молиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов томонидан Зомин туманида амалга оширилди. Сенатор ташаббуси билан туман марказида бир вақтнинг ўзиде 100дан ортиқ китобхонни қабул қила оладиган, 50 мингдан зиёд бадийи ва илмий адабиётни жамлаган мухташам «Шохрух» кутубхонаси фойдаланишга топширилди.

Ушбу зиё масканининг очилиш маросими ҳақиқий маърифат ва санъат байрамига айланди. Тадбирга пойтахтдан ташриф буюрган фан, адабиёт ва санъат намояндалари, Жиз-

зах вилоти фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари алоҳида файз бағишлади.

Очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева, филология фанлари доктори, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиiddин Саййид каби сўз санъаткорлари ҳамда олимлар иштирок этиб, ўз маърузалари билан тадбир мазмунини янада бойитдилар.

Нотиқлар мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятига атрофлича тўхталдилар. Жумладан, «Шохрух» хусусий кутубхонасининг ташкил этилиши юртимизда кенг қўлоқ ёяётган миллий китобхонлик ҳаракатининг ёрқин намунаси экани алоҳида эътироф этилди.

Рамзий лента қирқилгач, тадбир иштирокчилари кутубхонада яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Эътиборли жиҳати, ушбу маърифат маскани Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон фондига боғланган. Бу эса китобхоналарга яна 2 миллиондан ортиқ бадийи ва илмий адабиётлардан масофавий фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Бундан ташқари,

ягона электрон портал орқали кутубхона фондидаги манбаларни дунёнинг исталган нуқтасидан туриб муталаа қилиш мумкин. Муассасада замонавий китоб дўкони, «Book safe» ҳамда полиграфия хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, кутубхонадан жой олган 1000 дан ортиқ нодир ва ноёб асарлар сенатор Қудратилла Рафиқовнинг шахсий кутубхонасидан тўхфа қилинган. Суҳбатдош робот эса ташриф буюрувчиларга кутубхона бўйлаб қулай навигация ва маълумотларни тақдим этади.

Жараён давомида кенган самимий мулоқотларда кутубхона фондини янада бойитиш, маҳаллий ва хорижий электрон илмий манбаларга улаиш қўламини кенгайтириш бўйича истиқболли режалар белгилаб олинди. Замонавий электрон тизимлари ва китоб фонди қўламига кўра, «Шохрух» маскани мамлакатимиздаги энг йирик хусусий кутубхона ҳисобланади. Барча қўлайликларга эга ушбу гўша ёшларнинг севибли масканига айланиши ва янги давр Мирзо Улуғбеклари, Бериунийлари ва Ибн Синолари етишиб чиқишига хизмат қилиши аниқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов томонидан бошланган бу хайрли ва ибратли ташаббус бутун республикаимиз бўйлаб кенг ёйилишига ишонамиз.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

ЮЗЛАБ
ТЕНГДОШЛАРИМ
КИТОБГА ОШНО
ТУТИНИШМОҚДА



Жасурбек
АБДУГАФФОРОВ,
«Ёш китобхон»
республика
кўрик-танлови
голиби:

– Президентимиз ёшларнинг ўз салоҳиятларини намойиш қилишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, минглаб китобсеварларни қамраб олаётган «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила» каби танловлар ташкил қилинмоқда. Бу йил республика босқичида голиб бўлиш насиб этиб, машина ютиб олдим. Табиийки, эришган ютуқларимиз юзлаб тенгдошларимни китобга ошно тутинишга ундаяпти.

Бугунги зиё маскани биз учун улкан имкониятлар эшигини очди. Бу улуг ишнинг ташаббускорларига бутун зоминлик ёшлар номидан раҳмат айтаман.

ҚУВОНЧ БИЛАН
ҚАРШИ ОЛДИК



Ўрол ОКҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси:

– Туманимиз ёшларида шундай кутубхонага эҳтиёж бор эди. Чунки 4 мингта китоб фондига эга мавжуд маскан замон талабларига унчалик мос эмасди. Шу маънода, Қудратилла Мирсоатовичнинг ушбу тўхфасини бутун Зомин халқи катта қувонч билан қарши олди. Қолаверса, Зоминдаги сайёхлик марказларидан бирига айланиб бормоқдаки, бу заминга ташриф буюрган юртдошларимиз ҳам мазкур зиё масканининг имкониятларидан баҳраманд бўла олади.

БЕҲАД
МИННАТДОРМИЗ



Исматулла РАИМОВ,
меҳнат фахрийси:

– Биз ўқиган кезларда синфхоналарда катта қора парталардан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Кутубхона эса орзу эди. Ҳозир синфхоналар энг замонавий ўқув қуруллари ва жиҳозлар билан таъминланган. Спортсеварлар учун ҳамма шароитлар бор. Ҳар бир мактаб ўзининг акборот ресурс марказларига эга.

Қудратилла Рафиқов сингари маърифатпарвар инсонлар 50 мингта китобли, 2 миллиондан ортиқ электрон адабиётлардан фойдаланиш имкони бўлган кутубхонани ёшларимиз ихтиёрига топширяпти.

Бу каби эзгу ишлар учун миллатпарвар Президентимиздан, Юртбошимиз ташаббусларидан руҳланиб, шундай зиё маскани бунёд этган Қудратилла Рафиқовдан беҳад миннатдоримиз.



Умида ТЕШАБООЕВА,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий

Мутолаа

ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Жиззах вилоятининг Зомин туманида сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китоби тақдими бўлиб ўтди



«Бунёдкорликдан тафаккур ўзгариши сари», «Уйғонаётган арслон», «Кутиб ол, дунё...», «Аламин бор»...

Мундарижадаги сарлавҳаларнинг ўзиёқ ҳар бир юртошимизни ушбу китобни ўқишга ундайди. Тўпламда юртимизнинг узок ва яқин ўтмиши, Янги Ўзбекистонда кечаётган эврилишлар, Марказий Осиёнинг интеграциялашуви ҳамда дунё давлатлари билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши каби мавзулар шу қадар теран ёритилганки, улар таъсирида жамиятдаги жараёнлар хусусида чуқурроқ мушоҳада юрита бошлайсиз...

Бундай фикрлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобининг Зомин туманидаги 60-умумтаълим мактабида ташкил этилган тақдимида билдирилди.

Пойтахтдан ташриф буюрган фан, адабиёт ва санъат дарғалари, Жиззах вилояти зиёлилари ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилган тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ином Мажидов каби давлат ва жамоат арбоблари тўпламнинг

ларининг пайдо бўлиши муқаррарми?» сарлавҳали мақолада Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатлигини таъминлаш хусусида мулоҳаза юритилган. Унда бу заминда яшовчи халқларнинг умумий тарихи, мустақилликка эришилгандан сўнг бирлашишга монелик қилган омиллар, дунё бозорига чиқиш эҳтиёжи, жаҳоннинг илғор давлатлари билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш каби нафақат ўз-

бунёдкорлик иштиёқи одамларнинг турмуш тарзи билан бирга, уларнинг тафаккурини ҳам янгилаётганига ишора қилинади. Мақола ҳулосасида юртимизда кечаётган ўзгаришлар меъмори ҳисобланган давлатимиз раҳбарининг иродаси ва қатъиятига холис баҳо берилади:

«...Янги Ўзбекистонимизни Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб бораётган йўлдан ҳеч нарса қайтара олмайди. Муҳими, халқимиз ўз Лидерига ишонади, уни қўллаб-қувват-



моҳияти, илмий ва назарий аҳамияти хусусида атрофлича тўхталдилар. Чунончи, мазкур китобдаги публицистик мақола ва суҳбатлар нафақат сиёсатшунослар ва тадқиқотчилар, балки талабалар, ёшлар ва кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим илмий-маърифий манба вазифасини ўташи таъкидланди.

Дарҳақиқат, «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобидан жой олган ҳар бир мақола сўз юритилган соҳаларнинг энг муҳим жиҳатларини тийран акс эттиргани билан ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Мисол учун, 2021 йилда ёзилган «ЕвроОсиё қўшма штат-

гараётган Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё тақдирини белгиловчи муҳим масалалар таҳлил этилади.

Эътиборлиси шуки, орадан шунча йил ўтганига қарамай, мазкур мақола ҳамон долзарб, геосиёсий муаммоларни ҳал этиш юзасидан билдирилган тақлифлар ҳали-гача ўз қадрини йўқотмаган.

«Бунёдкорликдан тафаккур ўзгариши сари» сарлавҳали мақолада эса яқин ўтмишда пойтахтда қурилган бинолар «Tashkent City»даги мажмуалар билан қиёсланади. Ўз навбатида,

лайди. Энг асосийси, давлат ҳам, жамият ҳам улкан ўзгаришлар жараёнига кирди».

«Бизни улугъ оя – Ватан манфаати бирлаштиради» сарлавҳали мақола эса муаллиф, яъни Қудратилла Рафиқов бевосита раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолияти билан боғлиқ. Мақолада 6 миллионга яқин аъзога эга тизимнинг эски қолипларни синдириб, халққа мададкор бўлишга астойдил интилаётгани ва бу борадаги сайъ-ҳаракатлар натижалари қаламга олинган.

Китобдан Германиянинг «Berliner Zeitung» нашри геосиёсат бўлими раҳбари, сиёсий шарҳловчи Томас Фасбендернинг сенатор Қудратилла Рафиқов билан ўтказган «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: «Йўқотилган қалбни излаб...» сарлавҳали суҳбати ҳам жой олган. Мазкур мулоқотда мамлакат тараққиётига раҳна солувчи мажбурий меҳнат, эътиқод ва сўз эркинлигини бўғиш каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, қачонлардир собиқ иттифокнинг бир бўлаги бўлган юртимизда инсон онгини коммунистик мафкура қолдиқларидан тозалаш, шу билан бирга, иқтисодиётни тиклаш ҳамда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш сингари кўплаб муҳим масалалар кўтарилган.

Анлаганингиздек, китобдан жой олган 12 та мақола ва суҳбатда ифодаланган барча воқеа-ҳодисалар марказида Президент Шавкат Мирзиёев шахси ва унинг Ватан тараққиёти йўлидаги фидойилиги туради. Тақдимотда нотикалар Қудратилла Рафиқов ижодининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» тўпламини халқимизнинг маънавий ҳаётида рўй берган муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Шунингдек, китобнинг илк тақдими давлатимиз раҳбари таълим олган Зомин туманидаги 60- умумтаълим мактабида ўтказилганида ҳам чуқур рамзий маъно борлиги таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари мазкур мактаб музейида сақланаётган тарихий ҳужжатлар, фотосуратлар ва экспонатлар, жумладан, давлатимиз раҳбари ҳаёти ва фаолиятининг илк йилларини акс эттирувчи материаллар билан яқиндан танишдилар.

Мазмунли ва бу борадаги сайъ-ҳаракатлар натижалари қаламга олинган.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Тақдимот иштирокчилари фикрлари

Самимий сўзлар сеҳри



Содиқжон ТУРДИЕВ,
«Нуроний»
жамғармаси
республика
бошқаруви раиси,
Ўзбекистон
Қаҳрамони:

– Бу китоб шу даражада самимий ва тушунарли ёзилганки, ҳар қандай ёшдаги ва соҳадаги китобхон унда кўтарилган мақолаларнинг маъини чақа олади. Тўпламни бир кунда ўқиб чиқдим. Муаллифнинг ижодий тафаккури сабаб қаламга олинган жараёнлар кўз ўнгимда жонланди.

Китобда юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаётган, инсон қадрини юксалтираётган Президентимизнинг сиёсий фаолияти моҳирона ёритилган. Масалан, «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» сарлавҳали мақолада давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятида ҳокимлик қилган кезлари иқтисодиётни ривожлантиргани, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаб, элнинг дуосини олгани китобхонда қатта таассурот уйғотади.

Энг асосийси, китоб юксак ватанпарварлик салоҳиятига эга. Муаллифни навбатдаги ижодий ютуқлари билан 3,5 миллиондан ортқ нуронийларимиз номидан қутлайман.

Қўлланма сифатида фойдаланишга муносиб



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари
бўйича
Ўзбекистон
Республикаси
Миллий маркази
директори,
академик,
профессор:

– Мазкур китобдаги 12 та мақола-нинг барчаси долзарблиги, давр талаби ва руҳига мослиги сабаб ўқувчи эътиборини тортмасдан қолмайди. Ушбу мақола ва суҳбатларнинг 2 таси Россия, 1 таси Германия босма нашларида чоп этилганининг ўзиёқ Қудратилла Рафиқов қаламининг даражасини кўрсатиб турибди.

Тарихий фактлар, давлат раҳбарлари ва таниқли шахслардан келтирилган иқтибослар, халқ мақоллари ҳамда таъсирчан публицистик услублар мақолалар салоҳиятини янада оширган. Муаллиф ҳаётий ва сиёсий тажрибасига таянган ҳолда бугунги ва ўтмишдаги воқеаларни таҳлил қилади ҳамда муқаррар амалга оширган сиёсий башоратлари билан ўқувчини хайратга солади. Давлатимиз раҳбари фаолияти теран акс эттирилгани боис, ушбу китоб олий ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланишга муносибдир.

Саодатга етакловчи асар



Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси раиси
ўринбосари:

– Таниқли сиёсатшунос, олим, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобининг илк тақдими айтани Президентимиз ўқиган мактабда ўтказилгани бежиз эмас. Зеро, ўша буюк орзуларга, ўша буюк ниятлар ва мақсадларга мана шу мактаб жамоаси дуо берган, камол бағишлаган, десам тўғри бўлади.

Мухтарам Президентимиз чиқишларидан бирида шундай деган эдилар: «Биз фарзандларимизга яхши китоб берайлик ва бу китоб уларни чиннакам маънода ватанпарвар қилиб, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари этиб камолга етказсин».

Комил ишонч билан айта оламнки, бугун тақдими ўтаётган китоб айнан шундай асардир. У сизу бизни, фарзандларимизни миллатпарварлик ва ватанпарварликка, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкори бўлиш саодатига етаклайди.

Янгиланаётган тафаккур кўзгуси



Қозокбой ЙЎЛДОШЕВ,
Адабиётшунос
олим, педагогика
фанлари
доктори:

«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» фикрловчи кишиларни жамиятдаги ижобий ўзгаришларни пайқашга ва бунга сабабчи бўлган шахслар меҳнатини қадрлашга чорлайдиган асардир. Бу чорлов шунчаки даъват эмас, балки холис ва чуқур таҳлил орқали амалга оширилгани китобнинг аҳамиятини янада оширади.

Муаллиф планетар миқёсда фикрлайди, хорижий олимларнинг қарашларидан ўринли фойдаланади, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги яширин боғлиқликларни кўра олади. У бугунги ислохотлар ва миллатнинг шонли ўтмиши ўртасида мувозийлик кўради. Масалан, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг яратилишида халқаро мутахассислар иштирок этаётганини Туркистондаги ўтмиш Ренессанслар билан қиёслайди. Ҳар қандай юксалиш миллий биқиқликда эмас, кенг ҳамкорликда юз беришини таъкидлайди. Бу каби қарашлар миллий тафаккуримиз янгилаётганининг хайрли белгисидир.

Мафтун этадиган мутолаа



Ўткир РАҲМАТ,
«Халқ сўзи» ва
«Народное слово»
газеталари бош
муҳаррири:

– Газетада чоп этилган мақоаларнинг бир қисми бир неча ҳафтада ўз аҳамиятини йўқотса, баъзилари узок йиллар яшайди. Муаллиф воқеа тафсилоти билан чекланмай, унинг моҳиятини оча билсагина, ёзганлари ўқувчи юрагида муҳрланади.

Аминманки, «МИЛЛАТ ШАВКАТИ»дан ўрин олган ҳар бир мақола йиллар чиғиригидан ўта олади. Муаллиф қайси мавзуда ёзмасин, жараёнларнинг яширин қонуниятларини очиб беради. «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» мақоласида Президент шахсияти ва инсоний кечинмалари самимий ёритилгани туфайли ўқувчини мафтун этади.

Бу китоб бугунги кун руҳини келажак авлодга мукаммал етказиб бера олади. Бунга ҳечам шубҳа йўқ.

Гулнинг гўзаллиги уруғидан; инсоннинг хусни эса қалбидандир.

Жалолиддин Румий

Тошкентда саратон жазирамасидан қаерга биқинишни билмай юрган кунларимизда кўшни Қирғиз Республикасига бориб келишга таклиф тушди. Бишкекда таниқли публицист ва сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг яқинда қирғиз тилида чоп этилган «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китоби тақдимоти бўлаётган экан. Айнан каминага таклиф тушгани ҳам бежиз эмас: мазкур тўпламнинг қирғиз тилига ўгирилишига, оз бўлса-да, ҳиссам кўшилган. Бишкекдамиз... «Манас» аэропортида бизни қардошларимиз кучоқ очиб кутиб олишди. Шу рейс билан Тошкентга қайтишга чоғланиб турган бир гуруҳ юртдошларимизни кўриб, янада шодландик. Бу ўртадаги алоқаларимиз, борди-келдимизнинг кучайганидан далолат эди. Айтмоқчи, Бишкек катта сиёсий тадбир – ШХТ саммитига тадорик кўрмоқда экан. Ҳаммаёкда қурилиш, тузилиш... Йўлларнинг янгича тартибларга мослаб, қайта созланаётганидан қардошларимизнинг эртанги кунга шиддат билан бораётганини ҳис қилдик.



Дўстлик ришталари

ТОМИРЛАРИ БИР ЭЛМИЗ

Дунё тарихи ҳикматлар хазинасига тўла уммонга ўхшайди. Бу хазинада олис ўтмиш сабоқлари, мамлакатлар, тузумлар тарихи ва тақдиридан келиб чиққан, бугун ва эртанги кун учун ҳам гоят муҳим хулосалар мавжуд. Гап уларни вақтида англашда. Узоқ-яқин ўтмиш билан боғлиқ хатоларни такрорламаслик, олдинга қараб интилиш, глобал муаммоларни бамаслаҳат, кенгашиб ҳал қилиш зарур. Негаки дунёнинг бугунги ижтимоий-маънавий ҳолати муҳим жаҳабларда яқдил бўлишни, кўзланган мақсад йўлида бирлашишни, давлатлараро кооперация имкониятларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

«Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг қирғиз тилига ўтирилган наشري Бишкек шаҳрида қирғиз ўқувчиларига тақдим этилар экан, ушбу маросимда бу фикр қайта-қайта такрорланди. Нотиклар Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг дунё ва минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро борди-келдиларни янги сифат босқичига кўтаришга доир, фақат Ўзбекистонга эмас, балки бутун минтақа мамлакатлари келажагига ҳам бевосита дахлдор сиёсати Қирғизистонда катта мамнуният билан қарши олинганини эътироф этишди.

Уларни тинглар эканман, албатта қалбим ғурурга тўлди. Тарихни шахслар яратади, айниқса, Шарқда айнан шундай. Бу кўп исботланган ҳақиқат. Яқин ўтмишда бир-биримиз билан борди-келдимиз катта мушкулотга айланган кунларни бошимиздан ўтказганимиз эсдан чиқармиди? Қолаверса, оддий эл ичида фаросатли одам борки, минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва энг муҳими, яқдиллиги бўлмаса бу беш халқнинг бирортаси ҳам гуллаб кета олмаслигини тушуниб, англаб турган бир пайтда, сиёсатимиз бунга монелик қилганини кўриб, сездирмай қанча оҳ урганмиз. Ҳа, дардимиз ичимизда эди-да.

Шу боис Янги Ўзбекистон сиёсати мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига тамоман янги қиёфа ва мақомда намоён этаётганидан, Ўзбекистон-

нинг ички ва ташқи сиёсий тутуми умуминсоний қадриятларга, эл-юрт манфаати ва миллатнинг эртанги кунига асосланганини ён қўшниларимиз самимий, дўстона қўллаб-қувватлаётгани, бундан гоятда хурсанд эканликларини таъкидлаб турганларидан бахтиёр бўлмасдан бўладими?

«Минг йиллик умумий тарихга эга, илдизи, тули бир, тоғ-тошлари, боз-бўстонлари бир-бирига туташ қўшниларимиз Ўзбекистонда кечаятган ижтимоий, маданий-маърифий жараёнлардан, ҳурматли Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардормиз ва бундан қувончдамиз»,

дейди китоб тақдимотида сўз олган қирғиз эл ботири Медетхан Шеримқулов.

Таниқли қирғиз адаби, мазкур китоб таржимонларидан бири Абибулла Пазиллов ўз сўзида «**буюк ислохотлар**» иборасига ургу берди. «**Янги Ўзбекистонни айни буюк ислохотлар жадаллик билан дунёга танитди**», деди у.

Марказий Осиё ўқирманларига яхши таниш бўлган «Ала-Тоо» журнали бош муҳаррири Марқабой Аमतов

«Янги Ўзбекистонни яратиб жараёни сизларда шундай шиддат олдики, бунга тасаввур қилиш қийин, аммо биз бу тарихий янгиланишнинг меваларини бевосита кўриб, ўзимизда ҳам ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистон халқи бошига омад қуши қўнганидан хурсандмиз», деди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ҳусан Эрматов тадбир қатнашчиларига китоб муаллифи ҳақида атрофлича сўзлаб берди, бу муаллифнинг хорижда нашр этилган учинчи китоби экани, яна икки тилга тар-

жима қилиниб, ҳозирда чоп этишга тайёрланаётган тўпламларнинг мундарижасига эътибор қаратди.

Шуниси эътиборга лойиқки, залда ҳозир бўлган қўллаб зиёлилар Қудратилла Рафиқовнинг бошқа асарларини ҳам билишлари маълум бўлди. Жумладан, Миллий кутубхона директори рус тилида чоп этилган «Мой Президент» китобини юзлаб китобхонлар мутолаа қилиб улгурганини таъкидлади.

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг инсоният тарихидаги уйғониш давлари қандай муҳит ва шароитда юзага келиши ҳусусидаги таҳлилий мушоҳадалари қизиқиш билан тингланди. Давлатимиз раҳбарининг жасоратли ташаббуслари ҳосиласи ўлароқ қад ростлаган Ислам цивилизацияси маркази бугун юзга яқин халқро ақл марказлари билан ўзаро илмий ва амалий ҳамкорлик қилишни режалаштираётгани, бу эса минтақадаги икки Ренессанснинг тарихини эслатиши, илм марказларида дунё тамаддунига дахлдор ишланмалар пайдо бўлиши, ёшларнинг янгича дунёқарашига замин бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратар экан, нотик тарихи бир халқларимизнинг келажагида ҳам ўзаро бирлик ва ҳамжиқатлигимиз муҳим аҳамият касб этишини ургулади.

«Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг дастлабки ўқувчилари асар ҳақида фикр билдиришар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ислохотларнинг ҳар бири биринчи навбатда қарийб қирқ миллионлик халқнинг эртанги кунни, ёруғ келажаги аяда фаровон ҳаётга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Китоб муаллифи айни шу муҳим жихатни гоят таъсирчан факт ва рақамлар, мамлакат Президенти фаолиятига доир муҳим маълумотлар асосида очиб бергани, асарнинг ҳар бир бўлими ўзига хос содда, ҳамма учун тушунарли тилда баён қилингани боис, ўқувчи кўз ўнгига халқнинг орзу-умидларини тўла рўёбга чиқариш, янгича тафаккурли авлодни тарбиялаш, савоҳат ва бағрикенглик борасида минг йиллик қадриятларига эга бу юртни ҳавас ва ибрат намунаси-

га айлантириш учун астойдил бел боғлаган фидойи, матонатли, сўз ва амали уйғун раҳбарнинг қиёфаси яққол намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, миллий тараққиёт йўлига ўтган ҳар қандай давлат, энг аввало, жуғрофий қўшнилари билан икки томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйиши, маданият, санъат, илм-фан ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиши, иқтисодий, экологик муаммолар ечимини бир-галикда ҳал этиши лозим бўлади. Бугунги глобаллашув шароитида тараққиётга эришишнинг бундан бошқа йўли йўқ. Президент Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан қайта тикланган «Марказий Осиё+» форматидagi ҳамкорликларнинг бутунлай янги босқичга чиқиши айни пайтда минтақа давлатларининг умумий муштарак манфаатларини ифода этиши гоятда муҳим мезондир. Бугун дунёнинг актор давлатлари, халқаро ташкилотлар минтақа билан жиддий мулоқотларга киришаётгани унинг келажагига бўлган ишончдан далолат. Қолаверса, минтақанинг уч давлатига дохил чегара муаммоларига Ўжанд шаҳрида нуқта қўйилиши сиёсий маънода мамлакатларнинг аниқ мукамал бир давлат ўлароқ шаклланганини билдиради. Бунга халқаро сиёсат тилида мақомнинг ўзгариши, деса ҳам бўлади. Буларга эса шахсан Президент Мирзиёевнинг принципаал ёндашуви, кучли дипломатияси асосий омил бўлди, дейиш ҳам айни ҳақиқатни тан олишдир.

Сўхбатларимизда қирғиз биродарларимизга Чингиз Айтматовнинг Тошкентдаги нутқларидан бирида (1997 йил) ёш адабиётчиларга қараб: «Бир-бирингиздан узоқлашиб кетманглар, чунки бир-бирингизни ўқимасангиз, борди-келди қилмасангиз, вақти келиб бир-бирингиз билан таржимон орқали мулоқот қилишингизга тўғри келади», деган сўзларини эсладик. Ўзбекистонда етмишдан ортиқ мактабда дарслар қирғиз тилида ўқитилишини айтдик. Чингиз Айтматов китоблари ўзбек тилида жуда кўп нусахада чоп этилаётгани, таниқли адабиётшунос олим Зухриддин

Исомиддинов «Манас» эпосининг катта бир бўлагини ўзбек тилига ўтиргани, машҳур қирғиз адаби Тугелбой Сиддиқовнинг машҳур «Қўк ялов» романи, Султон Раев, Абдимомунов Қалбаевнинг қисса ва ҳикоялари ўзбек ўқувчилари қўлига етиб боргани ҳақидаги хабарларимиз қардошларимиз хушнуд этгани ҳам қувончли.

Мезбонлар Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан «Обод қишлоқ» дастури айнан «Манас» овулидан бошланганини катта миннатдорлик билан таъкидлашди. Биз билан суҳбатда бўлганларнинг кўпи «Манас»да бўлишга улгуришибди, айни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдужалил аканинг ўша кунларни хотирилаб фахрланиб айтган ҳикояларини эса мезбонлар мароқ билан тинглашди. Улар «Биз ўшандаёқ Ўзбекистонга қандай улуг, бағрикенг, узоқни кўрувчи раҳбар келганини билиб олганмиз», дейишди. Хайрлашув чоғи оқсоқол адиблар «Босган изингизга ёмғирлар ёғсин» дейишди, биз ҳам дуога қўшилиб, «Босган изингизда гуллар очилсин», дедик. Тошкентдаги саратон жазирамасидан кейин «Ала-арча»да шивирлаб ёғаётган ёмғир, эсаётган энгил шабада, пурвикор чўққилар пойидаги тоғ гуллари, ноёб гиёҳлар энгил тебраниб, дуоларимизга қўшилгандай бўлди.

Юртга қайтар эканмиз, аввало, қирғиз туғишганларимизнинг ҳар қачонгидан-да меҳрли муносабатларини кўнгилдан ҳис этиб хайрлашдик. Шу оқибатимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!



Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жўрналист

Тошкент – Бишкек – Тошкент



Сулайман КАЙИПОВ, тарих фанлари доктори, профессор:



– «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобини ўқир эканман, қирғизларнинг шундай мақоли тафаккуримда қайта-қайта жонланаверди: «Илдизи бир бўлган бирлашади, учи бир бўлган айрилади».

Минтақанинг бирлашувида давлатларимиз раҳбарларининг жасорати, қатъиятини яна бир бор таҳлил қилдим. Президентларимизнинг бир хил ўйлаётгани, бир хил сиёсат юргизаётгани ва бир хил гоёларни илгари сураётгани томирларимиз бирлигининг амалий исботидир.

Қаранг, кейинги йилларда қанча ўзгаришлар бўлди: чегаралар очилди, дўстлар, қариндошлар бир-бирининг уйига боришни бошлади. Мен яқинда Тошкентда бўлдим, Ислам цивилизацияси марказини кўрдим. Биз илдизи бир халқларнинг буюк ўтмишини акс эттирган улуг масканда қалбимда чексиз фахр ва гурур уйонганини ҳис қилдим.

Асар нафақат Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар, балки минтақанинг ўтмиши ва келажаги ҳақидаги тебан таҳлиллари билан қирғиз китобхонларининг ҳам меҳрини қозонишига ишонаман.

Мирзохид МУҲАММАДЗИЕВ, Бишкек шаҳри Ўзбек миллий маданий маркази раҳбари:



– 83 ёшдаман. Ҳаётда кўп нарсаларни кўрдим. Аммо бузунгидек дорилармон кунлар бўлган эмас. Мен бунга фақат моддият, еб-ичиш, фаровонлик нуқтаи назаридан эмас, балки одамлар онгидagi ўзгаришлар мисолида ҳам айтман.

Китобни ўқир эканман, ислохотлар, воқеалар таҳлили тебан ва равон очиб берилгани диққатимни тортди. Ҳа, минтақа бугун бирлашмоқда. Ўзлгини, тарихини чуқур англамоқда. Бу жараёнда Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этишимиз жоиз.

Мазкур асар эса айни шу жиҳатлар, баъзан биз англаган, баъзан англамаган ҳодисалар кенг ва равон таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир.

Курмангази АЗИҚБАЕВ, Қирғиз Республикаси халқ артисти:



– Бу китоб Шавкат Мирзиёев ҳақида ёзилган жуда яхши асар экан. Уни Қирғизистонда ҳам кенг тарғиб қилиш керак. Негаки, бугун халқларимиз янада яқинлашган. Қон-қариндошлар бир-бириникига бемалол бориб-кеलाётган бўлди. Бу жуда катта бахт. Энг асосийси шундаки, қирғиз ва ўзбек халқлари қардош халқ эканини яна бир бор амалда кўрсатди. Ана шундай бирдамлик ва дўстлиқни мустаҳкамлаш йўлида катта ишларни амалга оширган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қирғизистон Президенти Садир Жапарова чин билдан катта раҳмат айтмасин. Бундай дўстликдан жуда мамнунмиз.

Биз ҳам юртингизга тез-тез бориб келадиган бўлдик. Тошкентга, Самарқандга, Андижонга борамиз. Иқтисодий ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Икки давлат ўртасидagi муносабатлар янада мустаҳкамланди. Бундан барчамиз хурсандмиз. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидagi дўстлик умрбоқий бўлсин.

Абибулла ПАЗИЛОВ, таржимон:



– Китобни қирғиз тилига таржима қилиш жараёнида мен бепта жуда муҳим ҳақиқатни англадим: Марказий Осиёда яшаётган халқларнинг илдизи, тарихи ва маданияти муштарак.

Бундан 10-15 йил олдин Ўзбекистон бизга гўё узоқ бир давлатдек туюларди. Аслида эса қўшни бўлса-да, ўзаро алоқалар анча сусайган эди. Бугун эса барчаси тикланди. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг олиб бораётган сиёсати жуда муҳим. Айнан шу ислохотлар халқларимизни янада бирлаштирди.

Аваллари шундай фикр айтиларди: «Қозоқ, қирғиз, туркман, тожик бирлашсин, ўзбек халқи эса барчани бирлаштирувчи халқ бўлсин». Чунки ўзбек халқи қадимий тарихга, бой маданиятга эга. Ўзбекистон доимо минтақадаги бирдамлик ва ҳамжиқатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак, деган фикрлар бўларди. Бугун ордан ўтган йиллар давомида ана шу гоёлар ҳаётга татбиқ этилаётганини кўриб қувонаман.

Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила ағниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур.

Маҳмудхўжа Бехбудий

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

КЎЗЛАРДА АКС ЭТАЁТТАН ИШОНЧ

Бир неча йил аввал унинг кўзларида на бугунга, на эртанги кунга ишонч бор эди. Ишсизлик, рўзғор ташвиши, фарзандлар келажаги ҳақидаги ўй-лар уни тинч қўймасди. Тикувчиликни биларди, аммо эски тикув машинаси билан катта иш қилишининг имкони йўқ эди. Бир куни маҳалла фаоллари хонадонига кириб келди. Суҳбатлашишди, ҳол сўрашди. Орадан кўп ўтмай унга замонавий тикув машинаси топширилди. Бугун Учқудуқ туманининг «Навоий» маҳалласида яшовчи Гулжамол Исломова нафақат ўз оиласининг даромадини оширмоқда, балки касбини янада мукамал эгаллаб, келажақда бошқа аёлларга ҳам иш ўрни яратиш ҳаракатида.



– Саккиз йилдан бери либос тикаман. Аммо иш қуролим замонавий эмасди. Шунинг учун имкониётларим чегараланганди. Энди эса мана, қўлимда янги тикув машинаси. Устозлардан хунаримизнинг янги сир-асрорларни ўрганиб, костюм ва пальтоларни тикишни ҳам режалаштиряпман, – дейди у.

Бу бир аёлнинг ҳаётидаги ижобий ўзгариш, холос. Аммо Навоий вилоятида ана шундай минглаб тақдирлар бор. Кимдир ишли бўлди, биров тадбиркорликни бошлади, яна ҳуқуқий ёки тиббий муаммосига ечим топди.

Бу ўзгаришларнинг барчасини бирлаштириб турган ягона тизим бор. У – «Аёллар дафтари».

Ҳа, бугун Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улугʻлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Унинг энг муҳим жиҳатларидан бири хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, бандлигини таъминлаш ҳамда муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ана шу мақсадларга хизмат қилаётган «Аёллар дафтари» тизими аллақачон эҳтиёжманд хотин-қизлар билан манзилли ишлашнинг энг самарали механизмларидан бирига айланди. Унинг асосий устунлиги шундаки, ҳар бир муурожаат алоҳида ўрганилади, ҳар бир муаммо бўйича аниқ ечим ишлаб чиқилади ва натижа назорат қилинади. Бунинг амалий самарасини Навоий вилояти мисолида аққол қўриш мумкин.

«Аёллар дафтари» жорий этилган илк йилдан бошлаб вилоятда кенг қамровли хатлов ишлари амалга оширилди.

2021 йилда 201 минг 954 нафар хотин-қиз турмуши ўрганилиб, 12 минг 827 нафари «Аёллар дафтари»га киритилди. Ўша йил иккинчи босқичда яна 15 минг 265 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз дав-

лат кўмагидан баҳраманд бўлди. 2022 йилда 240 минг 709 нафари хатловдан ўтказилиб, 20 минг 444 нафари манзилли қўллаб-қувватлаш тизимига жалб этилди.

2023 йилда 30 минг 56 нафар, 2024 йилда 30 минг 23 нафар, 2025 йилда эса 30 минг 137 нафар хотин-қизнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Умуман олганда, 2021-2025 йилларда 138 минг 91 нафар хотин-қизнинг турли муаммолари ҳал этилди. Бу рақамлар тизимнинг самараси ҳисоботларда эмас, балки инсон тақдирларида намоён бўлаётганини кўрсатади.

Жорий йилда ҳам тизим доирасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Худудда 30 минг 8 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилди. Уларнинг эҳтиёжлари беш асосий йўналиш бўйича таснифланди. Жумладан, 6 минг 719 нафари ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, 1 минг 122 нафари тадбиркорлик қилиш истагида, 495 нафари уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож, 8 минг 869 нафари тиббий ва психологик ёрдамга, 12 минг 803 нафари ҳуқуқий кўмакка эҳтиёж сезаётган аёллардир.

Бу рақамлар муаммоларни бир қолипда эмас, балки ҳар бир эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга ўтилганини англатади. 1 июль ҳолатига қўра, еттинчи босқич доирасида белгиланган вазифаларнинг 33,3 фоизи бажарилди. Ҳусусан, 3 минг 485 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди, 690 нафарига тадбиркорликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ажратилди. 225 нафар аёлнинг уй-жой шароити яхшиланди, 3 минг 327 нафари тиббий ва психологик хизматлар билан қамраб олинди. 2 минг 268 нафарига ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди. Бу кўр-

яхшилашга муҳтожлар рўйхатидан жой олди. Қисқа фўрсатда унинг уйида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

– Хонқа туманида «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичида 5776 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, шу кунгача 5649 нафарига амалий ёрдам берилди. Жумладан, 470 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 23 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлигини йўлга қўйишда кўмаклашилди, 11 нафарининг уй-жойини таъмирлаш учун 206 миллион сўм ажратилиб, яшаш шароити яхшиланди, – дейди Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, «Аёллар дафтари» бўйича Хонқа тумани вакили Муяссар Раҳимова. – Тизим ташкил этилган пайтларда хонадонларга кириб, хотин-қизларимизнинг яшаш шароитларини кўрганимда, очиги, юрагим орқага тортиб кетарди. Орамизда оғир аҳволда яшаётганлар борлигига ишонгим келмасди... Қанча аёллар уйсиз, ишсиз, оғир хасталик сабаб йиллаб тўшакка михланиб қолган эди. Полсиз, томида шифери йўқ хонадонларда кун кечираётган сингилларимизни кўрганман. Шукр, сўнгги йилларда бундай ачинарли ҳолдаги хонадонлар камайди. «Аёллар дафтари» сабаб минглаб хотин-қизлар тадбиркорлигини бошлашди, доимий иш ва бошпамага эга бўлишди, беморлар даво топишди. Шундай халққил ва адолатли тизимнинг йўлга қўйилгани, ҳеч шубҳасиз, ўзбек аёлларининг бахтидир.

Дарҳақиқат, аёлларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда оғир ижтимоий аҳволдагиларга амалий ёрдам кўрсатишда «Аёллар дафтари» муҳим аҳамият касб этмоқда.

РАҚАМЛАРГА НАЗАР ТАШЛАСАК,

Хоразм вилоятида **7-босқичда 60 001 нафар** аёл рўйхатга олинган бўлиб, 20 июль ҳолатига улардан **58 485 нафарига** амалий ёрдам кўрсатилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг **15 518 нафарининг** бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган **1130 нафар** хотин-қизнинг **1025 нафари** ўз фаолиятини йўлга қўйди, **92 нафарига** фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашилди. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож **297 нафар** аёлга амалий кўмак берилди. **25 734 нафар** аёлга тиббий ва психологик, **15 819 нафарига** ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Буларнинг барчаси «Аёллар дафтари»нинг минглаб опа-сингилларимиз ҳаётига нур бағишлаётган ҳужжат эканини намоён этади. Шундай эмасми?

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА «ISHONCH»

Бешариқ тумани «Қора қўйли» маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Саҳобиддинова тирикчилик дардида мусофирчиликда ишлаб юрар эди...

Хонадонма-хонадон ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ вакиллари унинг хонадонида бўлишди. Ҳолатни аниқлашиб, аёл билан телефон орқали боғланилди, муаммолари тингланди. Ўшанда Гулбаҳор бирорта тайинли иш бўлса, оиласи бағрига қайтишини айтди. Кўп ўтмай, қишлоғига қайтди. Унга гўзаллик салони очиш учун бино, фаолиятини бошлаб олишига сармоя ҳам берилди.

«БУТУН ЯШАШИМИЗ БУТКУЛ БОШҚАЧА»

– Мусофирчиликда қўп қийинчиликлар кўрдим. Ўзга элда пул топиш осон эмас экан. Даромадим у ойдан, бу ойга базўр етарди, – дейди Гулбаҳор Саҳобиддинова. – Шукр, ҳозир ишларим яхши. Топишим ёмон эмас. Мижозлар ҳам кун сайн кўпайиб бормоқда. Асосийси, ўз юртимда, оилам бағридаман.

Тумanning «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилувчи Саодатхон Раҳмонова шу чоққача дурустроқ иш топа олмай юрганди. Ўрганишлардан сўнг у «Аёллар дафтари»га киритилди, «KORK» тикувчилик корхонасига ишга жойлаштирилди. – Кўнглимдагидек жойда эканимдан жудаям хурсандман. Маошим ҳам ёмон эмас. Асосийси, энди рўзгордаги етишмовчиликлардан қийналмайман, – дейди Саодатхон Раҳмонова.

«Бахмал» маҳалласида яшовчи Ҳилола Деҳқонова ҳам «Аёллар дафтари»га киргунича ишсизлар рўйхатида турарди. Ўрганишлар пайтида тадбиркорлик қилиш учун сармоя кераклигини айтди. Унинг бу мушқули ишчи гуруҳнинг кўмаги билан тез орада ҳал бўлди.

– Шароитимиз бор эди-ю, имконимиз йўқ эди, – дейди у. – Бандан берилган кредит асосида асалари боқини бошладик. Қишлоқ жойда яшаганимиз боис, ён-атрофимиз дала. Бу иш учун қулай муҳит бор. Асаларичилик сердаромад соҳа экан. Меҳнат қилсангиз, яхши фойда olasиз.

Олтиариқлик Зухра Нишонoвaнинг бошидан кўп оғир кунлар ўтди. Тирикчилик тошдан қаттиқ, деганларидек бегона юртларда ишлашга тўғри келди. Бу орада соғлиғи ёмонлашиб, уйига қайтди. Бекор ўтирмасдан эски тикув машинасини қўлига олиб, иш бошлади. Эски нарсa барибир, эски-да. Бундай матoҳ билан мижoзлар талабидaги нарсани тикиб бўлмасa...

Ўрганишлардан кейин у «Аёллар дафтари»га киритилди. Унга банк томонидан кредит ажратилди.

– 5 та янги тикув машинаси олдим, – дейди Зухра Нишонова. – Ишимиз анча юришиб, рўзгоримизга бaракa кирди. Буюртмaларгa қaрaб coчиқ, дaстурxoн, фapтyк, кўpпa-тўшaк жилдларини тикияпмиз. Харидорлар ҳам кундан-кунгa кўпaйиб бoрмoқдa. Ўзим ҳам, иккaлa қизим ҳам иш билан банд бўлганимиздан мамнунмиз.

Олтиариқ туманининг «Маориф» маҳалласида яшовчи Феруза Мирзачаеванинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Бирок турмушнинг ачық қисмати унинг бошига кўп қўргилик-қозони солди. Қора қозонни қайнатиш бир ўзининг гарданига тушди.

Ишчи гуруҳ ичига чироқ ёқса ёришмайдиган аёлнинг ҳасратларига қулоқ тутди. Муаммоларга кўмилиб яшаётган Феруза «Аёллар дафтари»дан жой олди. Пишириқлар тайёрлаш қўлидан келишини, агар молиявий кўмак бўлса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш нияти борлигини айтди. Нияти ҳолис экан, ишчи гуруҳнинг саъй-ҳаракати билан унинг муроди ҳосил бўлди.

– Қоронғу кунларим ортда қолди. Бугун яшашимиз бутун бошқача, – дейди у. – Банкдан ажратилган кредит эвазига тадбиркорликни йўлга қўйдим. Айни пайтда тортидан тортиб, булочкагача тайёрляпмиз. Бу ишда қизим ва ўғлим кўмак бeraпти. Мижoзлар кўплигидан қўлимиз-қўлимизгa тeгмaяпти. Қўшниларимни шoғирдликкa олиб, хунар ўргaтaпман.

Мухтасар айтганда, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» орқали минглаб хотин-қизларнинг мушқули осон бўлиб, йиллар давомида уларни қийнаб келган муаммолари ечим топмоқда. Айни пайтда Фарғона вилоятида «Аёллар дафтари»га киритилган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»

ИЗЧИЛ ИШЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

«Аёллар дафтари»идан кўзланган асосий мақсад – хотин-қизларга бир марталик ёрдам эмас, балки доимий даромад ва барқарор ҳаёт яратиш.

Рақамларда акс этган натижалар

2021-2025 йилларда 4,5 миллион нафардан ортиқ хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди;

Фақат 2025 йилининг ўзида 1 миллион 22 минг нафар аёл қўллаб-қувватланди;

2026 йилда ҳам 1 миллион нафар эҳтиёжманд аёлга манзилли ёрдам кўрсатилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ёрдам қандай тартибда кўрсатилади?

– Аёллар маҳалла даражасида уйма-уй ўрганилади; – «Маҳалла еттилиги» томонидан тоифаси аниқланади; – Ҳар бир хотин-қиз учун индивидуал дастур ишлаб чиқилади; – Ёрдам тури аёлнинг ўзига кўрсатилиб, унинг розилиги билан тасдиқланади.

Бизнинг тарбиячиларимиз, табибларимиз, муаллимларимиз ҳам шу аёлларимиздир.

Абдурауф Фитрат

ЯХШИЛИК МАНЗИЛИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муам-
молари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га келиб тушган мин-
натдорлик хати билан танишар эканман, дастлаб бу оддий ҳолатдек
туюлди. Аммо у мени қутилмаган инсон билан суҳбатлаштириб, инсо-
нийликнинг ҳақиқий қадрини ҳис қилишимга сабаб бўлди.

Хат Тошкент вилояти Қибрай ту-
манида яшовчи Зубайра Бўтаева
томонидан йўлланган бўлиб, у
ўзини даволаган шифокорларга сами-
мий миннатдорлик билдирган эди.
Ундаги бир жумлага кўзим тушиб, бе-
ихтиёр тўхтаб қолдим:

«Биз вагончада яшаб келаётгани-
мизда, 2026 йилнинг 14 апрель кuni
вагончамиз ёниб кетди...».

Бу сатрлар ортида қандай ҳаёт,
қандай тақдир турганини билиш учун
унга кўнгироқ қилдим.

Суҳбат давомида ҳар бир сўзида
шукроналик ҳисси сезилиб турган
Зубайра опа ҳақида кўп нарсани
билдим. У бетоб турмуш ўртоғи ва
тўрт нафар фарзанди билан дала че-
тидаги вагончада яшар экан. Катта
ўғли аллақачон оила қурган, қиз-
ларидан бири олий таълим муасса-
сасига ўқишга кирган. Оила ҳалол
меҳнат орқали рўзгор тебратиб ке-
лади.

Жорий йилнинг 14 апрель кuni
юз берган ёнғин эса уларнинг бор-бу-
дини куйдирган. Яшаш учун зарур
бўлган барча буюмлар кулга айланган.
Ана шундай оғир паллада маҳалла-
дошлар бефарқ бўлишмаган. Кимдир
кўрпа-тўшак, кимдир кийим-кечак,
яна биров озиқ-овқат олиб келиб, им-
кони борича кўмак берган.

– Ҳар бир куним учун шукр қи-
ламан, – дейди Зубайра опа. – Атро-
фимда меҳрибон, бағрикенг инсон-
лар бор. Бошимизга мусибат тушга-

нида ҳаммаси елкадош бўлди. Яқинда
аҳволим оғирлашиб, шифохонага
тушдим. Масъулларнинг ёрдами би-
лан даволандим. Шу боис «Ишонч те-
лефони» орқали менга меҳр билан
муносабатда бўлган шифокорларга
рахмат айтишни истадим. Илтимос,
уларнинг исмларини ҳам ёзинг. Қиб-
рай тумани Интернат касалхонаси
бош шифокори Нодиржон, Миркомил
ака, Холида ва Озода опа ҳамда барча
тиббиёт ходимларидан чин қалбим-
дан миннатдорман. Барчасига соғ-
лиқ-саломатлик, оилаларига тинчлик
тилайман.

Суҳбат давомида Зубайра опанинг
яна бир ҳикояси мени ҳайратга солди.

Вагонча ёнганидан кейин мутасад-
дилар бу оилага вақтинча яшаш учун
бир хонали уй ажратиб, ҳатто кали-
тини ҳам топширишган. Аммо Зу-
байра опа у ерга кўчиб ўтмаган.

Сабабини сўраганимда, шундай
деди:

– Уйни кўргани бораётганимда бе-
катда қўлида чақалоғи, яшашга жойи
йўқ бир ёш аёлни учратиб қолдим.
Ўйлаб қарасам, менинг фарзанд-
ларим катта бўлиб қолган, ҳозирча
бошпанасиз эмасмиз, меҳнат қил-
сак, кун кўрамыз. Насиб этса, кела-
жақда ўз уйимиз ҳам бўлар. Аммо у
аёл ёлғиз, бағрида гўдаги бор. Бу уй
унга мендан кўра кўпроқ зарур деб
ўйладим.

У бу сўзларни қаҳрамонлик қил-
дим, дегандек эмас, балки ҳар қан-



дай инсон шундай йўл тутиши та-
бийдек, содда ва хотиржам айтди.
Қўпинча оғир ҳаёт инсонни тошбагир
қилиб қўяди, деб ўйлаймиз. Аслида
эса баъзилар мусибатнинг энг оғир
палласида ҳам ўз дардидан кўра ўзга-
нинг ташвишини устун қўя олади. Зу-
байра опа ана шундай юраги катта ин-
сонлардан бири экан.

Суҳбатдан сўнг шу маҳаллада
яшовчи, ҳаёт тажрибаси катта Зухра
ая билан ҳам телефон орқали боғлан-
дим.

– Зубайрани бу ерда ёшу қари бир-
дек ҳурмат қилади, – деди у. – Яқинда
саховатли инсонлар унинг аҳволидан
хабар топиб, оила учун янги уй қури-
лишини бошлаб юборишди.

Ҳа, яхшилик асло исзис кет-
майди. У, албатта, қайтиб келади. Энг
муҳими, у ўз эгасининг манзилини
асло адаштирмайди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

ЗИЛОЛАНИНГ орзуси ушалди

Катта режалар билан иш бошламоқчи бўлган Зилола Остонова дастлабки тўсиққа
дуч келди. У хонадонида чорвачиликни йўлга қўйиб, барқарор даромад ман-
баини яратишни мақсад қилган эди. Бироқ бу истагини рўёбга чиқариш учун за-
рур бўлган кредитни олишда муаммога учради.

Турли идораларга қилган мурожаат-
ларидан натижа чиқмагач, Ўзбекис-
тон касаба уюшмалари Федерация-
сининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»
га сим қокди.

Жамоат ташкилоти томонидан «Аёл-
лар дафтари»га киритилган Зилола Осто-
нованинг мурожаати тегишли мутасад-
дилар эътиборига ҳавола этилди. Натижа
кўп куттирмади. «Бешнайман» маҳалла
фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси
Зилола Остонова хонадонигадиги шароитни

ўрганганда чорвачилик билан шуғул-
ла-ниш учун мос экани маълум бўлди. Шу
асосда унга тадбиркорликнинг бу турини
йўлга қўйиш учун кредит ажратиладиган
бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, энди ўз оиласи
иқтисодий аҳволини яхшилашни мақсад
қилган яна бир аёлнинг орзу-умидлари
ушалади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Таҳлил

Ўқув-семинар

Гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ва
эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яра-
тиш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўна-
лишларидан бири ҳисобланади. Бу масала инсон
ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга самарали бош-
қарув тизимини шакллантириш, меҳнат муносабатла-
рини такомиллаштириш ва ташкилотларда адолатли
иш муҳитини қарор топтиришга ҳам хизмат қилади.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ЖАМИЯТДА

инсон салоҳияти тўлиқ рўёбга
чиқади, ташкилотлар фаолияти
самарадорлиги ошади

Ўзбекистон касаба уюш-
малари Федерацияси
Тошкент шаҳар ке-
нashi «O‘ZLITINEFTGAZ» ак-
циядорлик жамиятида ўт-
казган «Комплекс гендер
ёндашув асосида давлат ор-
ганлари ва ташкилотларида
гендерга оид аудит ўтказиш-
нинг тартиб-тамойиллари»
бўйича амалий тажриба
алмашишди.

Унда иштирокчилар дав-
лат ташкилотларида ген-
дер тенглик сиёсати са-
марадорлигини баҳолаш,
кадрлар сиёсатида тенглик
тамойилларини таъминлаш,
гендер ёндашувини бошқа-
рув тизимида кенг татбиқ
этиш ва унинг натижаларини
таҳлил қилиш масалалари
юзасидан атрофлича фикр
алмашишди.

Федерация меҳнат инс-
пектори, халқаро гендер ау-
дитори Муқаддас Муитди-
нова мамлакатимизда ген-
дер тенгликни таъминлаш
соҳасида қабул қилинган
норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
лар, амалга оширилаётган
чора-тадбирлар хусусида сўз
юритди. Гендер аудитининг
ташкилот фаолиятидаги аха-
мияти, уни амалга ошириш
босқичлари ҳамда халқаро
тажриба асосида қўлланила-

ётган ёндашувлар ҳақида ба-
тафсил тушунчалар бериб
ўтди.

Семинар давомида таш-
килот ички сиёсатида гендер
тенглигини баҳолаш, мав-
жуд муаммоларни аниқлаш
ва уларни бартараф этиш бў-
йича амалий машғулотлар
ҳам ўтказилди. Тадбир на-
мавузидаги ўқув-семинар
бойитиши, балки гендер ауди-
тини ташкилотлар фаолия-
тига самарали жорий этиш
бўйича амалий тажриба ал-
машиш майдонига айланди.
Қайд этилдики, бундай
ўқувлар давлат ва жамоат
ташкилотларида гендер ма-
даниятини юксалтириш,
тенг имкониятлар таъмин-
лини мустаҳкамлаш ҳамда
замонавий бошқарув стан-
дартларини ҳаётга татбиқ
этишда муҳим аҳамиятга
эга. Зеро, гендер тенглиги
таъминланган жамиятда ин-
сон салоҳияти тўлиқ рўёбга
чиқади, ташкилотлар фао-
лияти самарадорлиги ошади
ва мамлакатнинг барқарор
тараққиёти учун мустаҳкам
пойдевор яратилади.

Нормурод ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Тошкент шаҳар кенashi
меҳнат инспектори

МЕҲНАТ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЯНГИ ЁНДАШУВ

2026 йил 1 июлда Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик вазирининг
«Меҳнат муносабатларида қонунчи-
ликка риоя этилиши устидан назор-
атни амалга оширишда «Хавфни
таҳлил қилиш» электрон тизимини
жорий этиш тартиби тўғрисида»ги
Низоми давлат рўйхатидан ўтка-
зилди.

Мазкур ҳужжат меҳнат назоратини
ташкил этишда мутлақо янги ёнда-
шувини белгилайди. Эндиликда барча
тадбиркорлик субъектларини бир хил
тартибда текшириш эмас, балки улар-
нинг фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик
хавфини баҳолаш орқали назорат тад-
бирларини режалаштириш назарда
тутилмоқда.

Бу ёндашув замонавий давлат бош-
қарувида хавфга асосланган назорат
тамойили сифатида эътироф этилади
ва бугунги кунда кўплаб ривожланган
давлатларда қўлланилмоқда. Бироқ
шу ўринда мазкур тизим меҳнатни
муҳофаза қилиш бўйича Халқаро
меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандарт-
лари ва илгор халқаро тажрибаларга
қанчалик мос келади, деган савол
туғилади.

ЯНГИ ТИЗИМНИНГ
ИЖОБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Таъкидлаш лозимки, мазкур Ни-
зом Ўзбекистонда меҳнат назоратини
рақамлаштириш ва ресурслардан са-
марали фойдаланиш йўлида муҳим
қадам ҳисобланади.

Биринчидан, назорат органи-
нинг асосий эътибори ҳуқуқбузарлик
хавфи юқори бўлган тадбиркорлик
субъектларига қаратилади. Натижада
давлат назоратининг самарадорлиги
ошади ҳамда хавфи паст корхоналар ор-
тиқча текширувлардан озод этилади.

Иккинчидан, хавфни баҳолаш жа-
раёнида тадбиркорлик субъектидан
қўшимча ҳужжатлар талаб қилин-
маслиги маъмурий юкни камайти-
ради ҳамда тадбиркорлик фаолиятига
ассосиз аралашувларнинг олдини
олади.

Учинчидан, хавф даражасининг
электрон тизим томонидан автома-
тик ҳисобланиши инсон омили таъ-
сирини камайтиради, қарорлар қабул

қилиш жараёнининг шаффофлигини
оширади ва субъектив ёндашув эҳти-
молини қисқартиради.

Мазкур тамойиллар ХМТнинг
меҳнат инспекцияси тизимини за-
монавийлаштириш бўйича тавсия-
ларига мос келади. Хусусан, 81-сонли
«Меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги
Конвенция назорат органлари на-
фақат қонунчилик ижросини таъ-
минлаши, балки хавфларнинг олдини
олишга хизмат қиладиган самарали
инспекция тизимини шаклланти-
риши лозимлигини белгилайди.

ҚАНДАЙ БЎШЛИҚЛАР МАВЖУД?

Шунга қарамай, Низомни меҳнатни
муҳофаза қилиш бўйича халқаро стан-
дартлар билан солиштирганда айрим
муҳим масалалар эътибордан четда
қолганини кўриш мумкин.

1. Баҳолаш мезонлари асосан
меҳнат муносабатларига қаратил-
ган Низомда хавфни баҳолаш учун
9 та асосий кўрсаткич белгиланган.
Улар орасида энг кам иш ҳақига риоя
этилиши, меҳнат таътили, меҳнат
шартномаларини «Ягона миллий
меҳнат тизими»да рўйхатдан ўтка-
зиш, меҳнатни муҳофаза қилиш хиз-
матини ташкил этиш каби мезонлар
мавжуд. Албатта, булар муҳим кўрсат-
кичлар бўлиб, аммо меҳнатни муҳо-
фаза қилиш тизимининг ҳақиқий ҳо-
латини баҳолаш учун етарли эмас.

2. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз
ҳодисалар баҳолаш мезонига кири-
тилмаган

Халқаро амалиётда корхонанинг
хавф даражаси, аввало, унинг хавф-
сизлик натижалари орқали баҳола-
нади. Масалан, ишлаб чиқаришдаги
бахтсиз ҳодисалар сон,и, ўлим би-
лан якунлангани, оғир ёки енгил тан
жароҳатлари, касб касалликлари.
Мазкур кўрсаткичлар корхонадаги
ҳақиқий хавфсизлик ҳолатини акс эт-
тиради. Амалдаги Низомда эса ушбу
мезонларнинг ҳеч бири хавф даража-
сини ҳисоблашда қўлланилмайди.
Натижада ишлаб чиқаришда жиддий
бахтсиз ҳодисалар содир бўлган кор-
хона айрим ҳужжатларни тўғри юри-
тгани сабабли паст хавф тоифасига ту-
шиб қолиши мумкин.

3. Ҳужжатлар мавжудлиги баҳолан-
моқда, хавфлар бошқарилиши эмас

Замонавий меҳнатни муҳофаза қи-
лиш тизими фақат ҳужжатлар мав-
жудлигини эмас, балки иш жойидаги
хавфлар қандай аниқланаётгани ва
бошқарилаётганини баҳолайди. ХМТ-
нинг 155-сонли «Меҳнат хавфсизлиги
ва гигиенаси тўғрисида»ги Конвен-
цияси ҳам иш жойидаги хавфларни
аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш
профилактиканинг асосий элементи
эканини белгилайди. 187-сонли
«Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини
ривожлантириш асослари тўғриси-
да»ги Конвенция эса мамлакатларда
олдини олишга қаратилган хавфсиз-
лик маданиятини шакллантиришни
устувор вазифа сифатида кўрсатади.
Низом эса кўпроқ ҳужжатларнинг
мавжуд ёки мавжуд эмаслигини баҳо-
лашга асосланган.

4. Хавфли ишлаб чиқариш омил-
лари ҳисобга олинмаган

Бугунги кунда дунё амалиётида
корхоналарнинг хавф даражаси ба-
ландликда, ёпиқ жойларда бажари-
ладиган ишлар, оғир юк кўтариш,
хавфли технология жараёнлар каби
омиллар асосида белгиланади. Улар
ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш
хавфига бевосита таъсир кўрсатади,
аммо Низомдаги баҳолаш мезонла-
рида акс этмаган.

5. Психологик ва ижтимоий
хавфлар инобатга олинмаган

Сўнгги йилларда меҳнатни муҳо-
фаза қилиш тушунчаси сезиларли да-
ражада кенгайди. Ишдаги доимий
руҳий зўриқиш, зўравонлик, таъин,
руҳий чарчаш, меҳнат юкларасининг
ортиши ишлаб чиқариш хавфлари
сифатида баҳоланмоқда.

6. Хавфсизлик маданияти баҳо-
ланмайди

Корхонада меҳнатни муҳофаза қи-
лиш хизмати ташкил этилган бўлиши
унинг самарали ишлаётганини аңглат-
майди. Муҳими, раҳбарият хавфсиз-
лиқни устувор қадрият сифатида қа-
бул қилгани, ходимлар хавфлар ҳақида
эркин хабар бера олиши, ички аудит-
лар мунтазам ўтказилиши, хавфларни
баҳолаш ишлари мунтазам янгила-
ниши, хатолардан сабоқ чиқариш ти-
зими мавжудлиги каби кўрсаткичлар

Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Меҳнатни муҳофаза
қилиш бўлими мудири

Одамзоднинг табиати қизиқ — қийин-чиликда яхши кунлар келишини кутиб яшайди, яхшилиқ келганида эса аввалги аҳволни тез эсдан чиқаради. Лекин тарих шунинг учун ҳам керакки, ўтган воқеаларни ёдга олиш асосида инсон тўғри фикрлайди, ҳаётнинг қадрини теранроқ англайди. Кўп эмас, ўн йил нарини олайлик. Одамларнинг оддий ҳаёт тарзи, ҳуқуқлари, эркинлиги билан боғлиқ қанча муаммолар йиғилиб ётганди. Болалар меҳнати, пахта сафарбарлиги, иқтисодиёт ёпиқлиги, бизнес қийинлиги, чегара муаммолари, уй-жой етишмаслиги, хорижга чиқиш, фуқаролик олиш ва прописка чекловлари... Ва ҳоказо. Буларнинг қадрини тушуниш учун халқ ҳаётидаги уч ўзгаришни таҳлил қилиш ўринли.

100 йил КУТИЛГАН ИСЛОҲОТ

2017 йил 21 сентябрь, Нью-Йорк шаҳри. БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишига борган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кўплаб манфаатли учрашувлар ўтказди.

Лекин Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашув жуда асабий кечди. Сабаби — Ўзбекистонда одамларни мажбурий меҳнатга ва болаларни пахта теримига жалб этиш ҳолатлари эди. Инсон ҳуқуқларини қадрлаган халқаро ташкилотлар бу мезонга тўғри келмайдиган давлатлар билан ҳамкорликни ҳушмасасди.

Пахта ўлкамизда XX аср бошларидан бери кенг етиштирилаётган бўлса, мажбурий меҳнат ҳар доим бўлган. Фақат Президентимиз Шавкат Мирзиёев даврига келиб, халқ кутган қатъият топибди — **100 йилда бўлмаган ислоҳот бўлди**.

2017 йилдан бошлаб даладарда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни пахта теримига чиқариш тақиқланди. Пахтага дахли бўлмаганларнинг қўли бўшади. Буни Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам қўзғатиб борди.

Энди воқеанинг давомини эшитинг. Жаҳон банки президенти 3 ой ўтиб, 2018 йил январда юртимизга вакиллариин юборди. Давлатимиз раҳбари билан учрашишни таклиф қилиб, Ўзбекистон билан шерикликини кенгайтиришга тайёр эканини билдириди.

Уша йили май ойда Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи чоғида иккинчи учрашув бўлиб ўтди. Бу сафар муносабат тамомила бошқача! Давлатимиз раҳбарини Жаҳон банки президентининг ўзи очик ўз билан кутиб олди. «Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг суърати, миқёси ва қўламайдан чуқур ҳайратдаман», деди у.

Бу Президентимизнинг бирсўзлилиги ва шижоатига тан бериш эди. Аёнки, бунинг ортида қандай ҳурмат, унинг замирида эса катта меҳнат-машқат бор!

Албатта, бу билан пахтачилик зарар кўргани йўқ. Иқтисодиёт учун уям керак. Фақат бозор тамойиллари ва манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилди. **Энди пахтани болалар эмас, «манфаат» терпайди.**

Пахта бир аср давомида элимизнинг асосий ташвиши бўлиб келди. Бу одамларнинг турмуш тарзига, ҳатто онгига сингиб кетганди. Қишлоқ болалари кузда оилаб пахтага чиқиб, бир йилда 6 ой ўқирди. Лекин халқимизнинг «қосаси оқармади». Қайтагнга заҳмат, касаллик, иснод келтирди.

Пахтамизнинг ўзи оқ, номи қора эди. Шу тўғрйли ҳам «Cotton Campaign» халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкот эълон қилганди. Юқоридагидек ижобий ўзгаришлар ва давлатимизга ишонч таъ-



сирида 2022 йилга келиб, бу «тавқи лаънат» бекор қилинди.

Қолаверса, мамлакатимиз GSP+ имтиёзлар тизимига аъзо бўлди. Бу орқали 6 минг 200 турдаги махсулотни Европа бозорларига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди. «ZARA», «Collins», «LC Waikiki», «De Facto», «Piere Cardin», «Baldessarini», «Digel», «Carl Gross» каби машҳур компаниялар билан ҳамкорликка йўл очилди.

Илгари пахтаимизни комашё ҳолида сотолмай юрган бўлсак, энди тайёр махсулот қилиб сотапмиз. Ҳам одамларга иш ўрни, ҳам қўшилган қиймат яратилди. Мана, биргина ислохотнинг халқ ҳаётидаги ўрни!

10 йилда 10 БАРОБАР ЎСИШ

2017 йил 5 сентябрь. Шу кунги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қирғизистонга борди. Салом-алиқдан сўнг, Қирғизистон Президенти биринчи бўлиб Ўзбекистондаги вазиятни сўрайди.

Гап шундаки, бундан бир-икки кун олдин давлатимиз раҳбарининг **валюта сиёсатини либераллаштириш** бўйича фармони эълон қилинган эди. Унга кўра, айнан 5 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистонда чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш эркинлаштирилди.

Ушанда кўпчилик бу революцион қадамдан хавотирга тушгани рост. Энди Ўзбекистонда нархлар осмонга чиқиб кетади, хаос бошланади, деб ўйлаганлар ҳам бўлди.

Лекин ундай бўлмади. Вазият ҳар томонлама таҳлил қилингани, ҳам тадбиркорлар, ҳам молиячилар фикри ўрганилгани, халқаро экспертларнинг маслаҳатлари олиниб, пухта тайёргарлик қўрилгани натижасида конвертация ўтиш раво келди.

Ҳозирги ёшлар билмаслиги мумкин. Илгари юртимизда хорижий валюта сотиб олиш чекланганди. Оқибатда расмий ва бозор курси пайдо бўлиб, орасидаги фарқ икки баробар эди. Инвесторлар ҳам анойи эмас. Бундай шароитдаги жойга пул тиккиси келармиди? Инвестиция киритсаям, фойдасини олиш минг даҳмаза эди. Ёки махсулотини экспорт қилган тадбиркор топган хорижий валютасини ўзи учун зиёдли бўлган расмий курс бўйича сотарди.

Шунинг учун инвестиция ҳам, экспорт ҳам суст эди. Масалан, 2016 йилда сармоялар ҳажми 15 миллиард доллар нари-берисида бўлган. Оқибатда иқтисодий ривожланиш секинлашган, ижтимоий инфратузилмага эса айтарли пул етиб бормасди.

2017 йилда сўмнинг эркин конвертацияси очилгани бизнес ривожига жуда катта туртки берди. Бу савдо, ишлаб чиқариш, экспорт, умуман, иқтисодиёт эркинлашди дегани. Ўзбекистонга катта-катта компаниялар кела бошлади. Турли мажмуалар қурилиб, одамлар ишли бўлди.

Сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция кириптилибди. Энди ўйланг, 15 миллиард қайда-ю 150 миллиард қайда. Яъни, **10 йилда 10 баробар ўсди!**

Биз ҳали фақат чет эл инвестициясини айтяпмиз. Ҳозир ўзимизнинг тадбиркорлар ҳам катта-кичик инвесторларга айланибди. Турли соҳаларга йўналтирилган жами пуллари қўшсак 230 миллиард доллардан ошиб кетади.

Бу нимадан? Иқтисодиётга ишончдан!

Бу нимадан? Эркинлик борлигидан! Шундай шароитлар натижасида минглаб кичик корхоналар катта ширкатларга айланди. Бошқаларни ўз ортидан эргаштирадиган **«чемпион тадбиркорлар» деган ибора пайдо бўлди**. Уларнинг ҳисоб-рақамларида миллион-миллион доллар бор. Хоҳласа сўмда, хоҳласа хорижий валютада бизнес қилипти. Аввалгидай тақиқлар ва таъқиқлар йўқ. Ишбилармонларимиз дунёга чиқиб, глобал қўшилган қиймат занжирини фаол қатнашяпти.

Яна бир гап. Ёзласангиз, олдинлари чет эллар билан музокараларда Ўзбекистон делегациясида фақат давлат мулозимлари бўларди. **Ҳозир кўпи ишбилармонлар**. Президентимизнинг хорижий сафарлари чоғида ҳар доим бизнес форумлар ўтказилапти. Бу — юртимизда тадбиркорлар синфи етакчи ўринга чиқаётганидан далолат.

Бундай ўзгаришлар одамлар ҳаётида акс этмай қолмайди, албатта. Очилган корхонада барибир кимдир ишлайди. Махсулотни биров сотади, сотиб олади. Уларга хизмат кўрсатишда яна қанча одам даромад топади. Хуллас, гилдирак юриб кетди.

Масалан, ҳозир хусусий секторда ўртача ойлик 4-5 миллион сўм. Уйига қўрмад кирган одамнинг кайфияти кўтаринки бўлади, ўзига, соғлиғига қарайди, фарзандларини яхши ўқитади. Бутун жамиятда шундай муҳит бўлса, мамлакат илгарилаб бораверади.

ХОНАДОНЛАРДА ХОТИРЖАМЛИК

Шавкат Мирзиёев халқ ичидан чиққан, ҳаётнинг пасту баландини кўрган инсон. Ёшлигида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган. Оила курғач ижарада яшаган, «прописка»

Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Чўлпон

Ислоҳот ва самара

писқа» билан боғлиқ кўп чекловлар бор эди. Ташкент шаҳрида доимий рўйхатга ўтиш азоб эди. Орамизда йиғирма йиллаб яшаб, болалари улғайиб, лекин тенг ҳуқуқли фуқаро бўлмаганлар қанча?! Улар худди айбдордай, ўз юртида бегонадай эди.

Буни бошидан кечирмаганларга билинмаслиги мумкин. Иши тушганлар **ҳозирги эркинлик нафасини жуда теран сезади**. Бугун уларнинг елкасидан тоғ ағдарилган. Илгари қисилиб-қимтиниб юрган бўлса, энди ҳамма билан тенг, эмин-эркин яшайпти. Бемалол уйлар олапти, давлат хизматларида ишлаяпти, сайловларда қатнашяпти.

Ахир, шу эмасми инсон ҳуқуқлари! Шу эмасми ислохотларнинг одамлар ҳаётига таъсири!

ПУХТА ЗАМИН ВА ЯНГИ ДАВР

Булар охириги 10 йилдаги реал ислохотлардан айримлари, холос. Бундай мисоллар ҳар бир соҳада бор. Сўз бошида айтганимиздек, Шавкат Мирзиёев Президентликка киришган пайтда турли ижтимоий муаммолар йиғилиб қолганди. Дастлабки саъй-ҳаракатлар уларни ҳал қилишга қаратилди, кейинги ўсишга шароит яратилди.

Энди Ўзбекистонда **ислохотларнинг иккинчи даври бошланди**. Бу — пухта заминга таяниб, жадал ривожланиш, ҳамма жабҳада натижадорликни ошириш давридир.

Бу босқичнинг асослари ҳам Президентимиз томонидан яратиб берилди. Улардан бири янгиланган Конституциямиз бўлса, иккинчиси «Ўзбекистон — 2030» стратегиясидир. Сирасини айтганда, юртимиздаги ислохотлар билан режалар узвий, бир-бирини тўлдиряпти.

Уларнинг рўёбинини, умуман, мамлакат келажагини билимли кадрлар ҳал қилади. Давлатимиз раҳбари асос солган Президент мактаблари, ал-Хоразмий ва ал-Беруний мактаблари, замонавий университетларда ана шундай янги авлод тарбияланмоқда. «Президент иқтидорли фарзандлари» ташаббуси, «Бир миллион дастурчи» ва «Беш миллион сунъий интеллект етакчилари» лойиҳалари ёшларни замонавий касбларга йўналтирмоқда.

Билимнинг қадрланиши бутун мамлакатда ўқиш-ўрганиш тўлқинини пайдо қилди. Ҳозир раҳбарлардан тортиб оддий ишчи-гача — ҳамма ота-она фарзандини яхши ўқитиш ҳаракатида. Худо хоҳласа, яқин йилларда бу авлод ҳаётга кириб келиб, жамиятимизни қўтаради, Учинчи Ренессансга пойдевор бўлади.

Яна, халқнинг юксалиши учун миллий гурур ва кўтаринки руҳ ҳам керак. **Ислоҳ цивилизацияси маркази** ҳамда **Имом Бухорий мажмуаси** ана шундай улкан ифтихор манбаини кўрамади. Бундай улғу мерослар халқимизнинг салоҳиятини яққол намоян этади, ёш авлодда гурур ва ўзига ишонч уйғотади.

Асл моҳиятига қарасак, бу ишларнинг ҳаммасининг тагида бир мақсад бор: у — **халқчиллик, халқ манфаати**. Президентимиз илгари сурган «инсон — жамият — давлат» деган ёндашув, «давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган талаб ҳар бир соҳага кириб борган.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларини таъминлаяпти. Яна тиним билмай изланяпти, замон билан илгарилаяпти, янги марраларни белгилаяпти. Уларнинг ҳаётга қўчиши ҳаммамиз учун керак. Шундай экан, бу биздан жипсликни, бугунги кунга шукроналик билан олга юришни талаб қилади. Энг муҳими, йўлимиз тўғри, марралар аниқ, қадамлар эса дадил.

Анвар САМАДОВ,
журналист



Танлов

Наманган вилоятида мутолаани ҳаёт тарзига айлантирган, билим олишни ўзининг устувор мақсади, деб билган ёшлар ўрта-сида «Энг фаол ёш китобхон» танлови ўтказилди. Унда турли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар иштирок этди.

КИТОБ ЎҚИГАН ЮРТ КЕЗАДИ



Катнашчиларнинг билим доираси, мантиқий фикрлаш ва тезкорлиги саналган ушбу танловда Республика Маънавият ва маърифат марказининг Мингбулоқ тумани бўлимаси ходими Наргиза Мавлоновага биринчи, «UzChasys» қўшма корхонаси ходими Илбёбек Раҳмоновга иккинчи, Давлатобод туманидаги 92-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилафрўз Қодиралиевага учинчи ўрин насиб этди.

Ҳолилар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши томонидан замонавий планшетлар билан тақдирланди. Танловда фаоллик кўрсатган ёшларга Ўзбекистон бўйлаб бепул саёҳат қилиш сертификатлари ҳам топширилди. Шунингдек, барча иштирокчиларга вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси томонидан «Мутлаа» платформасининг премиум ваучерлари тақдим этилди.

— Бу мен учун катта рағбат, — дейди танлов ғолиби Наргиза Мавлонова. — Китоб инсоннинг маънавий оламиини бойитади, дунёқарашни ва фикрлаш доирасини кенгайтиради, ҳаётга теран назар билан қарашга ўргатади. Барча ёшларга ҳар кун китоб мутлааси учун вақт ажратишларини тавсия этаман.

Алимардон ТЎХТАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Отажон Худойшукуров ижросида
«КАТТА СУВОРА»
қўшиғи

Партав шеър

Ётиб гору панода дийдаи элдан ниҳондурман,
Жунун туғёнида тийри маломатга нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишқ шаҳристонида бир карвондурман,
Матои ҳусн олурга жон бериб ҳарсу равондурман.



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan qaytarilishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 688-00-27
Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-99) 193-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Aljon ABDURAHMONOV

Gulruxbegim QDASHBOYEVA

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Boshiga topshirilish vaqti — 23:00

Topsihiridi — 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani

rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta

Shundan: 6 519 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma: G-711**

1 2 3 4 5 6